ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 9 апрель 1996 йил, сешанба • № 28 (275)

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель

9 апрель - Амир Темур туғилган кун



БУЮК БАХТГА МУШАРРАФЛИК

Истиқлол халқимизга инъом этган буюк неъматлардан бири - бу, Ватаннинг даҳо халоскорлари, тарихда буюк салтанатлар барпо этган, фан ва маданият равнақига, миллатнинг маънавий камолотига раҳнамолик қилган буюк боболаримизга муносиб эҳтиром кўрсатиш имконидир. Бундан 660 йил муқаддам кўҳна Кеш бағрида дунёга келган соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Ватаннинг ана шундай даҳо фарзанди эдилар.

Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ туғиларини нишонлашга бутун жаҳон, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилотлар катта тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Президентининг Фармони билан бу йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Юртимизнинг барча бурчакларида, соҳибқирон номи билан боғлиқ қадамжоларда туйолди тайёргарликлари, туйолди машваратлари қизғин давом этмоқда.

Ислоҳот қирралари

ТАЛАБНИ ЎРГАНИБ...

Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» уюшмаси 1995 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш, талаб ва таклифни ўрганиш борасида бир қанча чоратадбирларни амалга оширди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарорини бажара бориб, уюшма ҳисобот йилида марказлашмаган ва бошқа манбалардан жаъми 341 миллион сўмдан зиёд мол келтирди.

Ишбилармонликка кенг йўл берилаётгани ҳозирги даврда эътиёж бозорини ўрганиш, маркетинг хизматидан унумли фойдаланиш яхши натижалар бераётир. Уюшмамиз ўтган йилда МДҲ мамлакатларидаги ўз савдо уйларига 11 миллион 25,7 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат моллари жўнатиб, у ердан аҳоли эҳтиёжига зарур бўлган 5 миллион 594 минг сўмлик бошқа турдаги товарлар олиб келди. Бунинг натижасида қардош давлат саноатчилари билан янги-янги шартномалар тузиш имкони туғилди. Янги шартномалар асосида эса узимизда ортиқчалик қилаётган 20 миллион 747 минг сўмлик мол бартер усулида сотилиб, ўрнига 47 миллион 329 минг сўмлик маҳсулотлар келтирилди.

Маълумки, ҳозирги вақтда нодавлат корхоналар кўпчиликни ташкил қилиши билан бирга, уларнинг савдо ва хизмат кўрсатиш давлат корхоналаридан сифатлироқдир. Чунки уларда шахсий манфаатдорлик кучли. Шу кунга қадар тизимимиз бўйича 2245 та корхона ҳусусий қўлларга сотилди. Шундан чакана савдода 1657, умумий овқатланиш 343 та ва бошқа корхоналар 245 тани ташкил қилади.

Савдо шоҳобчаларини зарур маҳсулотлар билан тўлғазиш билан бир қаторда янги хусусийлашган дўконларга ҳам амалий ёрдам бериб келинмоқда. 1995 йил мобайнида хусусий савдо тармоқларига шартномалар асосида аҳоли учун зарур бўлган 244 миллион 921 минг сўмлик моллар етказиб берилди.

Давлат тасарруфидаги корхоналарнинг акциялаштириш жараёнлари юқори суръатларда олиб борилаётир. Тизимдаги барча ҳиссадорлик жамиятлари уз Низомларини вилоят Адлия бошқармасидан, эмиссия режаларини вилоят Молия бошқармасидан рўйхатдан ўтказдилар. Эндиликда улар ўз акцияларининг ҳисобот ва сақланиш ишларини олиб бориш мақсадида Республика Миллий Депозитарийси билан шартнома тузиб қўйишди. Сўх тумани ва Қувасой умумий овқатланиш корхонаси эса акцияларни нақд шаклда босмахонада нашр эттириб келди. Акцияларнинг эркин савдодаги улушини Фонд биржаси вилоят филиали орқали сотиш ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари «Алишер» ҳиссадорлик жамияти (Тошлоқ ТЗБ), «Чўлсавдо» бошқармасининг «Пазанда» (умумий овқатланиш), Фарғона нон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятларининг жамоа аъзолари эркин улушдаги 195,9 минг сўмлик акцияни «Инвесткомп» орқали сотишга эришдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги «Матлубот кооперацияси тизимида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорига асосан, вилоят матлубот кооперацияси тизимида салмоқли ислоҳотлар амалга оширилди. Тизимимиздаги 40 яқин матлубот жамиятлари тугатилиб, туман матлубот жамиятлари уюшмалари негизида «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик бирлашмалари ташкил қилинди. Натижада тизимимиз бўйича 918 иш жойлари қисқартирилди.

Айланма маблағларни кўпайтириш, молиявий аҳволни яхшилаш мақсадида савдо ходимлари ва фуқаролардан кредит фондига маблағ йиғиш бўйича «Ўзбекбирлашув» томонидан берилган топшириқ 40 миллион сўмлик маблағ жамғариш билан уддаланди. Бундан ташқари туман марказларидаги барча савдо корхоналари таъмирланиб, «Супермаркет» ва «Ихтисослашган улгуржи чакана савдо» марказлари ташкил қилинди. Қувасой шаҳридаги А. Раҳмоналиев номидаги жамоа ҳўжалигида 780 квадрат метрли савдо маркази, 50 ўринли ошхона, Қува туманида майдони 136 квадрат метрли Универмаг ишга туширилди. Барча туманда 36 та «Гузар» қуриб битказилди.

Ислоҳот жараёнлари кишилардан юқори малака ва замонавий меҳнат қуникмаларини талаб қилаётир. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 183-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 207-фармойишига асосан вилоят, «Матлуботсавдо» идораси ва бошқарма бошлиқлари, савдо идораси раҳбарлари аттестациядан жалб этилдилар. Вилоят ҳокимининг муовини раҳбарлигидаги 7 кишидан иборат нуфузли комиссия таркибига вилоят ҳокимиятининг бўлим бошлиги, Адлия бошқармаси, Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, Солиқ бошқармаси, Молия бошқармаси ҳамда Давлат Мулк қумитаси бўлими раҳбарлари киритилди. Ушбу синов-имтиҳонларидан уюшмамизнинг ходимлари муваффақият билан ўтдилар.

Уюшманинг малакали ходимлари 1996 йилда ҳам аҳоли талабини қондириш, савдо ишларини жадаллаштириш борасида самарали вазифаларни амалга оширади. Хусусан шу кунга қадар уюшма озиқ-овқат маҳсулотларни етказиб бериш бўйича мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузди. Чет эл фирмалари билан консигнация усулида 20 миллион АҚШ долларида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Шартномаларнинг қиймати 720 миллион сўмдан ортиб кетгани айниқса кишини қувонтиради.

Тўлқинжон МЎЙДИНОВ, Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» бошқармаси бошқаруви раиси.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафтада 24 та ким ошди савдоси ва танловлари ўтказилди. Савдолар мобайнида тадбиркор ва сармоядорларга қўплаб ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, уй-жойлар, ёқилғи қуйиш шоҳобчалари ва турли русумдаги автомашиналар таклиф этилди. Ҳафта мобайнида 853 та иншоот давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчилик шаклини ўзгартирди. Ўтган ҳафтада жами 32 миллион 841 минг сўмлик иншоотлар сотилди. Айниқса уй-жой ва дўконлар қуриш учун ер майдонларига талаб ошиб бораяпти. 416 та ер майдонлари сотилди ва улар 5 миллиондан ортиқ сўмни ташкил этди.

***

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 14 та ҳиссадор жамоалар қатнашди. Улар ўзларининг 56458 та оддий акцияларини сотиб, 18 миллион 296 минг сўмлик маблағга эга бўлдилар. Унда қатнашган Тошкент шаҳар «Ўзсаноатфуқарақўрилиш» жамоаси акцияларини 1175 сўмдан, «Ўзавтотранс» жамоаси ҳам ҳар битта акцияларини 4300 сўмдан сотдилар. Савдо жараёнидан сезиш мумкинки, акциядорлар шаклланиб, қимматбаҳо қоғозларга қизиқиш усиб бораяпти.

***

Республика агросаноат биржасида бўлиб ўтган ким ошди савдосида мол ва хом ашёларнинг тури 861 хилдан ошиб кетди ва уларнинг умумий қиймати 1 миллиард 447 миллион сўмдан ортди. Бу галги савдо катта қизиқиш ва зўр фаоллик билан ўтди. Қўй жунларининг нархи ўртача 27 фоизга кўтарилди ва 1 кг жун 21-25 сўм оралиғида баҳоланди. Кимё бўлимида каучукдан ташқари кислоталар ва калий моддалари ҳам савдога қўйилди. Ускуна ва транспорт бўлимларида трактор ва агрегатларга керакли бўлган эҳтиёт қисмлар қўплаб таклиф этилди. Бу таклифлар экиш мавсуми олдидан катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Металл прокатлари бўйича ҳам савдолар жуда қизғин ўтди.

Ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТКАШГА ҚУЛАЙЛИК

«Жиззахулгуржибиржасавдо» компанияси ўзи ишчи-хизматчиларига қулайлик яратдилар. Компания маъмурияти коммунал ва бошқа хизматлар учун барча туловларни марказлашган усулда амалга оширишни йўлга қўйдилар. Эндиликда компанияда хизмат қилаётган 300 нафар ишчи-хизматчилар таббий газ, электр қуввати, телефон, коммунал ва бошқа хизматларга ҳақ тулаш учун идораларга қатнаб овора бўлмайдиган бўлишди. Бундай ҳисоб-китобларнинг барчаси компания ҳисобхонаси орқали амалга оширилмоқда.

Бу ерда яна бир диққатга сазовор иш юз берди. Компанияда ишлаётган кам таъминланган ва кўп болали оилалар ижтимоий ҳимояга олиниб юқоридаги хизматлар учун тўланадиган барча харажатлар компания ҳисобидан қоплаб борилади. Бу хайрли ишларни амалга оширишда компания маъмурияти ва ташкилот касаба уюшма қумитаси алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

ТЎЛҚИНЖОН АРАВАЧАЛИ БЎЛДИ

Галлаорол туманидаги «Гулистон» ижара ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Тўлқинжон болалигидан қўл-оёғи ишламай қолган эди, ҳозир 11 ёшда. Яқинда болалар жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими ҳиммат кўрсатди. Тўлқинжон Азимовга ногиронлар аравачаси ажратилди. Шунингдек, Т.Азимовга кийим-кечак, турли совғалар ҳам берилди.

Алибой Эргашев, «Ишонч» мухбири

Етти ҳазинанинг бири

ТИКЛАНГАН СОҲА

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси Саид Ҳусановнинг эътироф этишича, деҳқончиликда жумладан, пахтачиликда ишлайдиган халққа ҳам гўшт, сут, тухум маҳсулотлари ҳам албатта керак. Шунинг учун фақат пахта ёки ғалла экиш билан кифояланиб қолинмасдан, чорвачилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланиш, ҳўжаликнинг ўз ҳисобида ҳам шундай фермаларнинг бўлишини таъминлаш, бу соҳаларни ҳам ривожлантириб, равнақ топтириш, фойдали тармоққа айлантириш, умуман, эътибордан қолдирмаслик керак. Раиснинг қатъий фикри шундай. Шу ақида билан иш юритаётган Саид Ҳусанов бундан уч йил муқаддам ўлат тегиб, ҳўжаликнинг паррандачилик фермасидаги товуқларнинг ҳаммаси қирилиб кетгач, бошқа айрим раислар каби қўл силтаб қўяқолмади. Аксинча, яна ёш жўжалар сотиб олиб, паррандачилик фермасини қайта тиклашга жиддий киришди. Бу гал фермага ҳўжаликда узоқ йиллардан буён раҳбарлик ишларида фаолият кўрсатиб келаётган, ўзининг тадбиркорлиги, ишбилармон ва уддабуронлиги билан элда яхши танилган Райим Бобожоновни мудир қилиб тайинлаб, товуқхонани ҳам Оқтепа массивидаги кенгликларга кўчирди.

Ўз навбатида Райим Бобожонов ҳам раиснинг ўзига билдирган ишончини оқлаш мақсадида ишга қаттиқ киришди. Мавжуд ёш жўжаларни эҳтиётлаб парваришлаш билан бирга, яна ёш жўжалар сотиб олиб келди, курк товуқларга зотдор товуқларнинг тухумларидан бостирди. Бу ишларда унга умр йўлдоши Гулсара Исматова, фарзандлари Шарофат, Собир, Раъно, Жобир, куёви Азамат, келини Дилафрўзлар яқиндан туриб кўмакдош бўлишди.

Шундай қилиб, тинимсиз меҳнатлар, саъйи-ҳаракатлар эвазига бугунги кунга келиб фермадаги паррандалар икки мингдан ошиб кетди. Товуқбоқарлар ўтган йили дастлабки маҳсулот сифатида 60 минг дона тухум ва катта миқдорда парҳез гўшт тайёрланиб, давлатга топширишга муваффақ бўлишди. Райим Бобожонов бошлик оилавий паррандабоқарларнинг жорий йилдаги режалари ҳам катта. Улар бу йил жами паррандалар сонини 5 мингга етказиб, 100 минг дона тухум тайёрлашга аҳд қилишган.

Бундан ташқари ҳўжаликда қорамолчилик ва қўйчилик ҳам йўлга қўйилмоқда. Ҳозир бу ерда 50 бош қорамол, 1000 дан ошиқ қўй, кўзи парваришланмоқда. Ферма мудирининг таъкидлашича, жорий йилнинг биринчи ярмида қорамоллар сонини 100 бошга қўй, кўзиларни 1,5 мингтага етказиш режадаштирилган. Ферма боқилаётган ҳўкиз ва қари сигирларнинг семирганларини сўйиб, арзон нархларда ҳўжалик аҳолисига сотиш, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, қариялар ва ногиронларга маълум миқдорда бепул улашиш, сўйилган моллларнинг ўрнини бозордан сотиб олиб парваришлаш, боқиб семиртириш ҳам йўлга қўйилган. Бу борада ҳўжалик касаба уюшма қумитасининг раиси Эсон Уринов ҳам актив фаолият кўрсатиб, ҳўжалик бошқарувининг раисида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

— Қорамолчилик, қўйчилик, паррандачиликни истаганча ривожлантириш, кўпайтириш учун ҳамма имкониятларимиз, шарт-шароитларимиз етарли, — дейди ферма мудири Райим Бобожонов. — Чорва молларининг барча турларини боқиб, парваришлаш, сақлаш учун қишки ва ёзги молхоналаримиз, ем-хашак, озуқаларимиз етарли. Моллларни яйратиб боқиш, айниқса, паррандаларнинг яйраб юришлари учун қулай ҳамда тўрт томони овлоқ кенг яйловга эгамиз. Шунинг учун чорвачиликнинг бошқа турларини ҳам, жумладан, куркачилик, қуёнчилик, қолаверса асаларичиликни ҳам йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб кўраяпмиз.

Райим Бобожонов тиниб-тинчимас, гайрат-шижоатли, чорвачилик ва деҳқончилик илмини пухта биладиган. Ҳар соҳанинг шундай фидоийлари бўлгани яхши, албатта. Бундайларнинг босган ҳар бир кичик қадами ҳам эл-юртга катта манфаат келтириши турган гап.

Нормамат ТОҒАЕВ





Челак шаҳри Самарқанд вилоятининг энг ёш шаҳридир. Шаҳар кундан-кунга кўркам-обод бўлиб бормоқда. Иккита мактаб, халқ банки шаҳобчаси, деҳқон ва тижорат бозорлари қурилиши тез ва соз олиб борилаётир. Ҳужа Исмоил ал-Бухорий масжиди қайта таъмирланади. Маҳаллалардаги кишиларнинг ҳар бири 20 тупдан терак қаламчалари экишди. Бош пиллахона ҳовлисидаги минг туп терак ишчи-хизматчиларга иморат қурилишига берилди.

Шаҳардаги қишлоқ ҳўжалик техникасини таъмирлаш ва таъминлаш очиқ турдаги жамиятида турли техника воситалари таъмирланаяпти. Қуплаб эҳтиёт қисмлар шу ерда тайёрланмоқда. Ўтган уч ойида қарийб 4 миллион сўмлик иш бажарилди. Ҳаммом ва сартарошхона корхона ишчи-хизматчиларга бепул хизмат қилаётир. Оҳак тайёрлаш цехида тайёрланган маҳсулот, иссиқхонада етиштирилган помидор, бодринг ва ош-қуклар арзон нархда ишчиларга сотилмоқда.

Суратларда: темирчи Ортиқбой Турдиев; техник текширув бўлими бошлиғи Юсуф Жиянов ва корхона раҳбари Камолиддин Равшановлар.

Т.НОРҚУЛОВ суратлари.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ПАХТА НЕГА ТЕРИЛМАЙ ҚОЛДИ?»

Юқоридаги сарлавҳа остида газетада босилган мақолада Боғот туманидаги Боғот жамоа ҳўжалигида 1995 йилда пахта ҳосили охиригача терилмай қолгани, чорвачиликнинг аҳволи ва бошқа долзарб муаммолар ўртага ташланган эди. Шу мақола юзасидан Хоразм вилоят деҳқончилик саноат уюшмасидан олинган жавобда қўйидагилар таъкидланади:

«... Вилоят агросаноат уюшмаси мутахассислари жойларда бўлиб бу масалаларни атрофлича ўргандилар, деҳқонлар, чорвадорлар билан мулоқотда бўлиб, йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш йўл-йўриқларини белгилаб олдилар.

Мақолада қурсатиб утилганидек, Боғот жамоа ҳўжалиги ва вилоятнинг бошқа айрим туманларида ҳақиқатда пахта ҳом ашёсининг бир қисми терилмасдан қолди. Шунинг учун Боғот жамоа ҳўжалигида бригада бошлиқлари, ижарачилар, мутахассислар иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилди.

1996 йилда ҳар бир ижарачи билан ҳўжалик ўртасида шартномалар тузилди. Бу шартномага асосан ижарачи кўзланган ҳосилни етказиши шарт. Бундан ташқари етказилган ҳосилнинг 40 фоизи ҳўжаликлар ихтиёрида қолиш ва бу маҳсулотни эркин сотишдан манфаатдор эканлигини ҳар бир деҳқон яхши англаб етди.

Вилоятда ердан унумли фойдаланаётган ҳўжаликлар, ижарачилар кўп.

Бизнинг асосий мақсадимиз ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, даромадни оширишдан иборатдир. Шуниг учун ҳам пленка остига эртаги экинлар экиб кўп маҳсулот етказишни режалаштириб олдик.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида аҳоли талабини ўрганиш, харидоргир маҳсулот етказиш устида қаттиқ ишлаяпмиз. Узбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоят фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб қишлоқ ҳўжалигида 1997-2000 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилмоқда. Бундан асосий мақсад қишлоқ ҳўжалиги муаммолари ечимини топиш, чорвачиликни ўнглаб олиш, наслчиликни яхшилаш, бу мақсадда жаҳон тажрибаларини оммалаштиришдир.

Вилоят агросаноат уюшмаси қошида маркетинг хизмати ташкил қилиш ҳозирги бозор иқтисодиети асоси эканлиги газетада тўғри изоҳлаб берилган. Чунки етиштирилган маҳсулот учун бозор излаб топиш энг муҳим вазифалардан биридир. Биз етиштирган маҳсулотимизни жаҳон бозорига олиб чиқсаккина ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин оламиз.

Хоразм вилояти Агросаноат уюшмаси газетада қўтарилган долзарб вазифаларни ўрганишни ва улар ечимини топишни ҳар доим диққат марказида тутади.

И. Собиров, Вилоят Агросаноат уюшмаси раисининг биринчи муовини

Ҳамал келди...

ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

Фасли баҳор юртимизга секинаста, пайсалланиб кириб келганига қарамай, деҳқон ўз даласига шиддат билан чиқиб кетди. Қуёшнинг илиқ тафти, енгил эсган шабада баҳорги ишларга сурьат бағишламоқда. Тошлоқ туманидаги Навоий номли жамоа ҳўжалигида ерга чигит экиш жараёни авж олиб кетган. Ҳўжалик раҳбари Тургунбой Абдуллаевнинг айтишига қараганда, бу йил ҳўжаликнинг 610 гектар ерига «Фарғона-3» навли чигит экилиб, ҳар гектардан 31 центнердан ҳосил кутариш режалаштирилмоқда. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун эса далаларда 700-800 деҳқон жавлон ураётир. Қиш фаслида чигит экиш мавсуми учун шай қилиб қўйилган техника-технология, 10 та ҳайдов трактори, 18 та бароно мажмуи, 15 та экиш мосламалари ишга туширилди. Бундан ташқари, деҳқонларнинг ижтимоий шарт-шароитини яхшилаш мақсадида 18 та бригада дала шийпони қайта таъмирлаб, жойларда иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган. Қулай шароитлардан унумли фойдаланаётган Раҳмонали Қодиров бошлиқ бригада аъзолари чигит экиш ишларини саккиз иш кун ичида тугатишга аҳд қилишган. Шунинг учун ҳам бригада механизатори Абдуқаҳҳор Ҳасанчаев, экувчи Нурали Каримовлар кунига 6-7 гектар майдонга оқ олтин уругини қадашга муваффақ бўлишаётир.

Ҳалқимизда «Ҳамал келди-амал келди», деган мақол бор. Дарҳақиқат, уйғониш фасли бўлмиш баҳор кезларида деҳқоннинг юмуши ҳар қачонгидан кўпайиб кетади. Навоий номидаги жамоа ҳўжалигининг Мелиқўзи Холмирзаев бошчилик қилаётган бригадасида ариқларни тозалаш, тутқаторлар тагини юмшатиш, паст-баланд ерларни текислаш ишлари чигит экиш билан қўшиб олиб бориляпти. Ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаган деҳқонлар 70 гектар ерга уруг қадашмоқчи. Далаларда ишлар қизғин авж олганлиги деҳқонлар шижоатига, ғайратига сурьат бағишлаётгани айниқса, қувонарлидир.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Баҳор ўзи билан янги йилимиз — «Навруз»ни етаклаб келди, у эса ўзи билан қалбларга шукуҳлик, юзларга табассум, кўзларга қувонч бахш этди.

Оқлик, поклик, яшариш, меҳр-оқибат тимсоли бўлган «Навруз» мустақиллик шарофати туфайли ўзгача мазмун ила озод ва обод юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, туман ва маҳаллалари, ҳар бир хонадонга шуур олиб кирмоқда. Мирзо Улугбек туманида эса «Навруз» шодиёналари ўзилмаяпти.

Туман «Бахт уйи»да кам таъминланган, серфарзанд оилалардан бири, 10 та боланинг отаси Йўлдош ака Ғаффоровнинг ўғиллари — Ғаффоров Умиджон билан Севарахон Бобожоновларнинг никоҳ тўйлари «Навруз» тантаналарига уланиб кетди. Икки талабанинг бахт кечалари сарф-ҳаражатини ҳокимият ўз зиммасига олди. Бу хайрли ишга туман ҳокими Шавкат Мирзиёв, ҳоким муовини Саида Содиқова ва бошқа мутасадди кишилар бош-қош бўлдилар. Туман раҳбарлари расм-русумлар, урф-одатлар, удумларимизга чуқур ҳурмат билан қараб, уларни эъзозлаб келмоқдалар.

Шу боис нафақат никоҳ тўйлари, балки хатна, «мучал» маросимларида ҳам ўз меҳр-мурувватларини аямаяптилар. Кам таъминланган оилаларга ўз вақтида моддий ёрдам беришни, хасталарнинг ҳолидан хабар олишни ўзларининг инсоний бурчлари деб биладилар.

Президентнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак» деган сўзлари ҳар бир инсоннинг қалбига эзгулик уругини сочмоғи керак. «Навруз» айёмида сочилган бу уруғнинг меваси инсонни эъзозлаш, меҳр-муҳаббат, оқибат, узаро ҳурмат, қадр-қиммат бўлиб, у йил бўйи кишиларимиз қалбини тарк этмасин.

Ақида АЗИЗОВА.

МДҲ мамлакатларида

Россия Президентининг буйруғи билан Чеченистонда уруш ҳаракатлари тухтади, деб эълон қилинганига бир ҳафтадан ошган бўлсада, у ерда отишмалар овози тингани йўқ. Чеченистоннинг жанубий қисмида жангарилар жойлашиб олган деб ҳисобланган аҳоли пунктларини ўққа тутиш давом этаяпти. Президент Б.Ельцин ўтган шанба куни Чеченистонда ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди деб яна бир бор қатъий таъкидлади. Лекин шунга қарамай хабарларга қура, якшанба куни Гойское, Ведено ва Бамут қишлоқлари ҳаводан ва артиллерия билан бомбардимон қилинган, ўққа тутилган.

Президент Б.Ельцин, шунингдек, исёнчилар раҳбари Ж.Дудаевга музокараларни бошлаб юборишга қаратилган мактуб йўллаганини ҳам маълум қилди.

***

Кейинги пайтларда Президент сайловларига тайёргарлик янги босқичга кириши билан Россияда Чеченистондаги урушга қарши ҳаракат кучая бошлади. Шу мақсадда мамлакатда турли норозилик ҳаракатлари содир бўлиб турибди. Якшанба куни Москвада бўлиб ўтган митингда қўплаб сиёсий кучлар раҳбарлари қатнашдилар. Уларнинг нуткларида Чеченистондаги урушни келтириб чиқариш ва уни олиб боришда айбдор шахслар устидан халқаро трибунал тузиш фикри олга сурилди.

***

Зўравонлик билан кучирилган халқлар муаммолари бўйича БМТ байроги остида Женевада ўтказилган конференция иштирокчилари Украинанинг Қрим мухториятига, биринчи навбатда ярим оролга қайтиб келаётган қрим татарларига ёрдам учун 88 миллион доллар ажратишга рози бўлдилар. Қрим бош вазири Аркадий Давиденко шу ҳақда маълум қилди. Шунингдек, у режага кура Туркия шу мақсадлар учун 37 миллион доллар ажратиши ҳақида хабар берди. АҚШ, Канада, Буюк Британия Қримнинг кучириб юборилган халқлари учун ишлаб чиқилган мақсадли дастурларни молиявий таъминлаш мажбуриятини олганлар.

***

Молдова Республикаси Конституцион суди вазир Павел Крянгенинг бушатилишини Конституцияга зид ва шунинг учун ноқонуний деб топди. Президент М.Снегур «эгаллаб турган лавозимига муносиб булмаган учун» П.Крянгени истеъфога чиқариб юборганди. Бироқ мудофаа вазири мазкур қарорга бўйсунмади.

Маълумки, Молдова ҳукумати ва парламенти Президент фармонига қарши чиққан эдилар ва айнан уларнинг ўзи Конституцион судга мурожаат этишганди. Суд Президент М.Снегур ҳаракатларини Конституцияга зид деб эътироф этди. Унинг қарори билан П.Крянге мудофаа вазири лавозимига тикланган. Парламент раиси ҳимоясининг айтишича, парламент мақсади генерал П.Крянгени ҳимоя қилишдан иборат булмай, Конституция ва демократик тартибот қучини намойиш этишдир, Суд қарори, деб таъкидлади у. Молдова демократия йўлига қатъий чиқиб олганлиги ва бу йўлдан орқага қайтиш йўқлигини исботлайди.

Етти иқлим нафаси

***

Тошкентда бўлиб ўтган Узбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги уч томонлама музокаралар ҳақида хабар қилиб, «Озодлик» мухбири, Қирғизистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Э.Омаралиев музокаралар асабий утганлигини қатъиян рад қилди, деб хабар беради. Унинг айтишича, Москвадаги турт давлат раҳбарларининг интеграцион жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилган келишувлари ҳусусида бирорта томон бирон-бир масалани кутармаган. Э.Омаралиев шунингдек, Тошкентда минтақавий иқтисодий муаммолар бўйича қўпгина муҳим ва зарур ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаган.

***

ХОРИЖДА

Миср ва Франция Президентлари, АҚШнинг Ливияни гуё кимевий қурол ишлаб чиқаришда завод қурилишда айблаётганлигига қушила олмасликларини маълум қилдилар. Президентлар - Ҳусни Муборак ва Жак Ширак бу масала юзасидан ҳукм чиқариш учун Вашингтон қўшимча далил-исботларга асосланган маълумотлар келтиришни зарур, деб таъкидладилар. АҚШ мудофаа вазири У.Перри ўтган ҳафта Қоҳирага ташрифи чоғида Ливияга қарши шундай айбловни олга сурганди. Ливия ирригация иншоотти барпо қилаётганини айтмоқда.

***

Фаластин раҳбари Ясир Арафат Исроилдаги Фаластин уз-ўзини бошқариш ҳудудлари истиқболини муҳокама қилиш учун Саудия Арабистонига келган. Эр-Риёдга келиши билан Я.Арафат Исроилни Иордан ғарбий қирғоги ва Газо чизиги бўйлаб чегараларни очишга даъват этишда Саудия Арабистони қумагига эришмоқчи эканлигини биддирди. Фаластин раҳбарининг Эр-Риёдда кимлар билан учрашиши ҳозирча номаълум. Маълумки, Саудия Арабистони қачонлардир Фаластинни Озод қилиш ташкилотининг бош молиявий ҳомийси эди. Бироқ, Форс қўлтиғидаги уруш чоғида Ясир Арафатнинг Ироқни қўллаб-қувватлаши икки мамлакат ўртасидаги муайян тангликка сабаб булганди.

***

Япония полицияси ўтган якшанба қунидан АҚШ Президенти Б.Клинтон ва унинг рафиқаси Ҳилларининг шу йил 16-18 апрелда мамлакатга қиладиган расмий ташрифи доирасида улар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли операцияларни бошлаб юборди. Полициянинг маълум қилишича, ҳозирги тадбирлар Америка Президентининг 1993 йилдаги Японияга ташрифи чоғида қўрилган чоралардан кескин фарқ қилади. Бу сафар Токио метросида газ билан амалга оширилган қупоруғчилик портлаши ва сул экстремистларнинг мухолифлик кайфияти қучайиб бораётганлиги ҳисобга олинмоқда. Маълумки, бу кайфият Окинава оролида америка ҳарбийларининг қолишига қарши қураш билан боғлиқдир.

***

Албан газетасининг хабарига қура, Албаниянинг собиқ коммунистик раҳбари Рамиз Алия шу йил май ойида суд олдида жавоб беради. «Республика» газетаси мақоласида айтилишича, Р.Алия иши бўйича терговлар утган шанба куни ниҳоясига етказилган. Сиёсий мухолифларни қонунсиз қучириш, қамоқларда ушлаб турганлик ва уддиришга буйруқ берганликдаги айбловлар бўйича Р.Алия устидан тергов ишлари февраль ойида бошланганди.

Бу сафар Рамиз Алия иккинчи бор суд олдида жавоб бериши керак булади. 1994 йили ҳокимиятни суиистеъмол қилганлиги, инсон ҳуқуқларини бузганлиги ва қамоқлар учун 9 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Бироқ, албан қонунчилигидаги юз берган ўзгаришлар муносабати билан ўтган йил июлида у озод этилганди.

***

Либерия вақтли ҳукумати аъзолари полиция ҳарбийлаштирилган отрядлар қумагида мухолифотдаги сиёсий гуруҳ раҳбари Рузвельт Жонсон қаршилигини тула бостирганлигини маълум қилганлар. Маълумки, ҳокимият уни қотилликда айбламоқда. Қарийб икки кунлик курашдан сунг эвбт этилган уйда Р.Жонсоннинг ўзи йўқ экан. Тахмин қилишларича, у ҳозир Либерия пойтахти Монровия казармасидан бирида яширинб ётибди. Минометлардан ўқ отилаётган ва эгасиз уйларни талаш давом этаётган шаҳардан минглаб одамлар қочиб кетмоқдалар. Би-Би-Си мухбирининг хабарига қура, Рузвельт Жонсонни казармалардан излаш мамлакатда кескин тангликни вужудга келтирмоқда.

Жаҳон матбуот агентликлари маълумотларидан.

Меҳнат кодекси амалда

ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 чақириқ IV сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу Кодекснинг 1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалга киритилганлиги меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятларининг асосий мақсади ва бош вазифаси деб билган касаба уюшма ташкилотлари зиммасига ҳам юксак масъулиятни юклайди. Негаки, ижтимоий вазиятлар тез-тез ўзгариб турган мураккаб ўтиш шароити ва эркин бозор қонуниятлари таъсирида вужудга келаётган янги муносабатлар таъсирида қонунларни чуқур ўзлаштирган ва фаолиятини ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил эттанларгина ҳам ўзларини, ҳам жамиятнинг бошқа аъзоларини муваффақиятли ҳимоя қила олади. Шу сабабли касаба уюшма фаолларини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини чуқур урганишга даъват этиш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг ўзига ҳос айрим хусусиятларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Аввало Кодекснинг қабул қилиниш сабаблари ва шарт-шароитлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва иқтисодиётида сифат жиҳатидан катта ўзгаришлар бўлди. Биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришди, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, хорижий давлатлар билан иқтисодий, илм-фан, маданият, техника ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди ва республикамиз Халқаро Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, ЮНЕСКО каби нуфузли ҳамжамиятлар аъзолигига қабул қилинди.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётини эркин бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётга айлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, иқтисодиётни ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришга чет эл сармояларини жалб қилиш ва жамиятда мулкдорлар қатламини барпо этиш каби тадбирлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Учинчидан, республикада қонунларга асосланган одил ва демократик жамиятни қуриш, келажаги буюк давлатнинг ҳуқуқий негизларини мастаҳкамлаш авж олдирилмоқда.

Ва ниҳоят, бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг хилма-хиллигига ўтиш жараёнида давр тақозоси билан вужудга келаётган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, товар бўлган ишчи кучи ва уни бозорга тортиш; меҳнаткашлар, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва уларнинг вакиллик идораларининг ҳуқуқий ҳолатини қонуний белгилаб бориш, меҳнаткашларни ижтимоий ва касбий ҳуқуқларини кафолатлашнинг халқаро тажрибалардан унумли фойдаланиш ва ҳоказолар зарурияти янги меҳнат Кодексини қабул қилишнинг асосий сабабларидир.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида, халқаро ҳуқуқнинг тан олинган ҳужжатлари, Республика Конституциясига асосан ҳамда жамиятдаги туб ўзгаришларга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси аввалги меҳнат қонунчилигидан ижобий хусусиятларни сақлаб қолган ва янада бойитилган тарзда қабул қилинди.

Янги Меҳнат Кодекси Умумий ва Махсус қисмларга бўлинган 16 боб, 294 моддадан иборат бўлиб, гарчи ундаги моддалар сони аввалги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари Кодексидаги моддалар сонидан 6 тага камайган бўлсада, унинг мазмуний салмоғи ва қамраб олган масалалар доираси кенгайтирилгандир.

Ўзбекитон Республикасининг Меҳнат Кодексида меҳнатни тартибга солишнинг шартнома ва келишувлар асосида амалга оширишга кенг урин берилганлиги, меҳнат ҳуқуқларига эга бўлишда ва улардан фойдаланишда барча фуқароларнинг тенглиги, меҳнатга оид муносабатларда ҳеч қандай камситишга йўл қўймаслиги, шахснинг меҳнат ҳуқуқларини давлат ва суд идоралари томонидан муҳофаза қилинишининг белгиланганлиги, моддий ва маънавий жавобгарлиги кўзда тутилганлиги, мажбурий меҳнатнинг тақиқланганлиги Кодекснинг энг диққатга сазовор хусусиятларидир.

Айниқса, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашнинг республикадаги энг паст даражаси белгиланганлиги, уларни таъминлашнинг иш берувчилар учун мажбурий эканлиги, Кодексдагига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзларнинг жамоа келишувлари, шартномалари ҳамда якка тартибдаги меҳнат шартномаларида ифодаланишининг мумкин эканлиги Кодекснинг ижтимоий аҳамиятини янада оширади.

Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувининг жамоатчиклик таъсири билан уйғунлаштирилганлигини, яъни меҳнат қонунчилигини бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширишда Республика меҳнат вазирлиги ва бошқа давлат идоралари билан бир қаторда касаба уюшмалари ва уларнинг назорлникларининг ҳам иштирок этишни алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Кодексда меҳнат ҳуқуқи буйича республика қонунчилигининг давлатлараро шартномалар ва битимлар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсияномалари билан ўзаро боғлиқлигининг белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган чет эл фуқаролари ва корхоналари учун республика меҳнат қонунчилигининг татбиқ этилишининг кўзда тутилганлиги ушбу Кодекснинг халқаро нуфузини таъминлайди.

Фикримни Кодекснинг 10-моддаси баёни билан давом эттираман, жумладан, унда таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, Халқаро Шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади».

Хуллас, халқаро ҳуқуқий тамойилларига тўлиқ мос бўлган Меҳнат Кодексида акс эттирилган меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳамда ундан ҳар бир бугиндаги касаба уюшмалари идоралари ва фаоллари фаолиятида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Абдувоҳид АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг ҳуқуқ бош инспектори.

Касаба уюшма ҳаёти: битим имзоланди

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАСАЛА

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топиб бораяпти. Иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари тобора чуқурлашмоқда. Касаба уюшмалари жамоалар ташкилоти сифатида ана шу жараёнларда аҳолининг барча қатламларини, айниқса ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий ёрдамга эҳтиёж сезувчи кишиларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, бозор иқтисодига ўтишда ижтимоий муҳофаза энг асосий тамойиллардан биридир.

Жорий йил иш фаолиятимизда бу масалаларни биринчи навбатдаги вазифаларимиз сирасидан деб қараяпмиз. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўртасида аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя этиш дастури имзоланди. 1996 йилга мўлжаллаб тузилган бу битимда энг асосий масалалар ўз аксини топди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли хил формалари амал қилади. Бунда ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаб қолиш, унинг барқарорлигини таъминлаш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ишсизликнинг олдини олиш каби долзарб, айни пайтда мураккаб вазифаларни ҳал этишда битим қатнашчилари ўзларининг бурчларини ва жавобгарликларини тўла ҳис этишларини асосий банд этиб киритдик.

Ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, талабалар, ўқувчилар ва ҳарбий хизматчилар маданият ва спорт иншоотларидан имтиёзли фойдаланишлари белгиланди. Халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари, талабалар, ўқувчилар иш (ўқиш) жойларига қатнашлари учун жамоат транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланишлари кўзда тутилиб, бу сарф-ҳаражатлар маҳаллий бюджетлардан қопланишлари кўзда тутилган.

Вилоятимизда кон-металлургия комбинати, «Навоийазот»,»Навоийцемент» Навоий қурилиш бошқармаси каби йирик корхоналар мавжуд. Уларнинг ҳар бирининг ўз сиҳатгоҳлари ишлаб турибди. Бюджетдан таъминланадиган муассасалар ходимларига уларда даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш йўлга қўйилмоқда. Вилоятимиздаги кам таъминланган нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга ижтимоий таъминот органлари ҳузуридаги махсус ошхоналар ва чойхоналарда имтиёзли ва бепул овқатланишлари учун гувоҳномалар, патталар бериш ташкил этилади.

Ташкилотлар, муассасалар, корхоналарда меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва шарт-шароитларининг талаблар даражасида ташкил этилиши, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш мақсадида раҳбар ва инженер-техник ходимларни қайта синовдан ўтказиш, вилоятда марказлашган ҳимояланиш воситалари (уст-бош, оёқ кийимлар) ишлаб чиқарадиган цехларни ишга тушириш кўзда тутилган. Ишсиз кишиларнинг оиласи аъзоларига вилоят бандлик жамгармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни ўз вақтида белиб борилиши қатъий назорат этилади.

Вилоятимиз ҳудудида чўл ва дашт зонаси анча кенг. Сувсиз ва борилиши қийин бўлган жойларда меҳнат қилаётган чорвадорлар ва уларнинг оила аъзоларига телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларидан баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитларни яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёзги ва қишки кийим-кечаклар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш энг асосий ва долзарб масалалардир.

Меҳнат қонунлари ва корхоналар жамоа шартномаларида кўзда тутилган муддат ичида ишчи-хизматчилар ойлик маошлари тўлаб борилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар ёзги дам олиш оромгоҳларига ажратиладиган йўлланмалар баҳосининг 50 фоизини тўлаш ва уларни таъмирлаш ҳужаликлар зиммаларига юклатилади. Ижтимоий суғурта жамғармалари ва маҳаллий бюджет ҳисобидан Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор, Конимех туманларида қурилаётган ва қурилиши режалаштирилаётган сиҳатгоҳларга маблағлар ажратиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунига асосан умумий ишчи ўрнининг 7 фоизини (шу жумладан камида 3 фоизи ногиронлар учун) ижтимоий муҳофазага эҳтиёж сезувчи кишилар учун сақлаб қолиш масалалари ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарда қандай амал қилинаётганлиги мунтазам ҳолда текшириб борилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг иш жойларини тугатиш фақатгина маҳаллий бошқарув органлари, касаба уюшма қўмиталари ва банднлик хизмати идораларининг розиликлари билан амалга оширилиши мумкин.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши шу йил меҳнаткашларнинг 6850 нафари санаторий-профилакторийларда соғломлаштириш, санаторий-курортларда даволанишлари учун 18 миллион 200 минг сўм маблағ ажратишни, 1500 кишини пархез таомлар билан таъминлаш, 8300 нафардан зиёд боланинг дам олишларини ташкил этиш учун 4 миллион 800 минг сўм ажратишни режалаштирган.

Мен вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган шартномадаги энг муҳим масалаларга тўхталиб ўтдим, ҳолос. Кўриниб турибдики, мазкур дастурий йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш анча мураккаб, энг асосийси катта маблағлар билан боғлиқ. Лекин вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорликда, қўлни қўлга бериб, ишни собитқадамлик билан ташкил этолса амалга оширса буладиган вазифалар булар. Уйлайманки, биз буларнинг уддасидан чиқамиз. Чунки вилоятимизда иқтисодий имкониятлар етарли, моддий ва маънавий таянчларга ҳам эгамиз.

Неъмат ТЎХТАЕВ,
Навоий вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

Касаба уюшмаларида

САВОДХОНЛИК

Ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ҳам саводхонлик, ҳам маданият, ҳам қолаверса оворагарчилик ва ортиқча ташвишларнинг олдини олади. Шу боисдан давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Наманган вилояти қўмитасининг ташаббуси билан Турақўрғон туманида кўргазмали семинар ташкил этилди. Мазкур тадбирнинг бу ерда ўтказилганлиги бежиз эмас, албатта. Чунончи, туманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни уюштириш масалалари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Биргина ўтган йилда 13 мингга яқин оилага 8 миллион 300 минг сумга яқин иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Туманда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, қаровчиси йўқ кексалар алоҳида рўйхатга олинган бўлиб, улар маҳалла қўмиталарининг ҳамиша диққат-эътиборида туришади.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳар бир маҳалла йигинлари кенгашларига касаба уюшмалари қўмиталари аъзолари ҳам киритилган бўлиб, бу эса ўз навбатида ижтимоий муҳофазани адолатли, тўғри ва адресли ташкил этиш, ҳужжатларни қоидага мувофиқ расмийлаштириш имконини бермоқда. Семинарда маърузага чиққанлар бу борадаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, керакли йўл-йўриқ кўрсатдилар, фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

КЕНГАШ ҲУЗУРИДА КЕНГАШ

Навоий вилояти касаба уюшмалари кенгаши ҳузурида касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Мувофиқлаштирувчи кенгашга Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий қурилиш бошқармаси каби йирик корхоналар касаба уюшмалари қўмитаси раислари аъзодирлар. Унга вилоят касаба уюшма кенгаши раиси С. А. Махнева раҳбарлик қилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топаётган шароитда меҳнат кишиларини ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг саломатликларини тиклаш, оммавий маданий-маиший тадбирларни уюштириш ишларига бош-қош булади. Ана шу борадаги бу дастурий йўналишда иш олиб боради.

А. ҲАСАНОВ.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг ташаббуси билан вилоятдаги болалар уйлари тарбияланувчиларидан 221 нафари хушҳаво ва гўзал табиат қўйнида жойлашган «Янгиобод» дам олиш масканида ҳордиқ чиқардилар. Тоғ бағрига саёҳатлар уюштирилди. Маданий ҳордиқ режасига биноан турли тадбирлар тузилиб, амалга оширилди, концертлар уюштирилди, мусобақалар ўтказилди. Болалар мазза қилиб дам олиб, яхши таассуротлар ва кайфият билан қайтдилар.

Ёшлар ҳордиғи учун вилоят касаба уюшмалари кенгаши 400 минг сумдан кўпроқ пул ажратди.

Шунингдек, Тошкент вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳам маблағлар ажратиб, болалар уйларидан 50 нафар болаларнинг «Оҳангаронцемент» санаторий-профилакторийсида ҳордиқ чиқаришига ғамхўрлик қилди.

Б. ПЎЛАТОВ.



«ТІНЕ-96» КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги «Узэкспомарказ» ҳудудида 1-4 апрел кунлари «ТІНЕ-96» деб аталган ҳамда тиббий ускуналар, техника ва дори-дармонларга доир халқаро кўргазма намойиш этилди.

Иккинчи павильонда жойлаштирилган ва тиббиёт соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни акс эттирувчи жуда катта экспозиция киши диққатини ўзига тортади. Бу ерда жаҳондаги 22 та мамлакатнинг юздан ортиқ тиббиёт фирмалари томонидан тайёрланган маҳсулотлар қўйилган. «Рош», «Дина», «Гедеон Рихтер», КРКА, «Сименс АГ», «ИнтерМЕД Лабор-МедТех», «ДЭ Медикал системс», «Сандоз фарма», «Совер», «Бристол-Майрес Сквибб» каби машҳур фирмалар тайёрлаган дори-дармонлар ҳам, тиббиёт ускуналари жаҳон афкор оммасига яхши маълум ва улар мутахассисларнинг тахсинига сазовор бўлмоқда.

Масалан, «Дина» фирмаси «Ивоклар» фирмаси билан ҳамкорликда турли-туман стоматология асбоб-ускуналарини: «Систематика» ва «Мини-эйр» мосламалари, сунъий тишлар ва бошқа тиббиёт жиҳозларини намойиш этди. Болалар овқатини тайёрлаш билан шуғулланувчи «Мид Жонсон» фирмаси эса янги маҳсулотини, яъни сояга «ПроСоби» темири аралаштириб тайёрланган таомни кўз-кўз қилди. «ИМА» фирмасининг маҳсулоти кўргазмага келган кишиларни лол қолдирди деса бўлади: «Фармопак-150ЕХ» блистер машинаси бажарган жараён гоятда ибратли бўлиб, у ҳар дақиқада 150 дона блистер (қоғозга ўралган дори) тайёрлаб беради.

«ТІНЕ-96» кўргазмаси доирасида «Соғлом авлод учун» фонди билан ҳамкорликда «Хасталикда овқатланиш тартиби», «Она билан бола уйғунлиги» мавзуларида семинар уюштирилди.

Ф. ТЕМУРОВ.

Суратда: кўргазмадан лавҳалар.
Р. Галиев суратлари.

ЖАМОАТЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Американинг «Каунтерпарт Консорциум» нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Марказининг республикамизда фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Марказ амалга оширган ишлар эса ўз самарадорлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Куни кеча «Каунтерпарт Консорциум» Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бир қанча нодавлат жамоат ташкилотлари учун кунлик махсус семинар ўтказди. Ўқув машғулотларида Тошкент шаҳридаги республика «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, хотин-қизлар Заҳира Маркази, Самарқанддан ахборот-маслаҳат Маркази, Фарғонадан «Мусаффо Фарғона учун» нодавлат жамиятларининг вакиллари қатнашишди.

Семинар якунида ҳар бир қатнашчига махсус сертификатлар топширилди.

Н. АЛИМОВ,
Ўз мухбиримиз.

ШАҲАРЛАР КЎРКАМ БЎЛАДИ

Андижон вилоятидаги шаҳарлар ва туманлар ўртасида «Андижонни тоза ва кўркам шаҳарга айлантирамиз!» шиори остида кўрик-танлов эълон қилинди. Бу тадбирда «Наврўз» жамғармасининг вилоят булими фаол иштирок этмоқда. Кучалар ва майдонларни ободонлаштириш ҳамда кукаламзорлаштириш борасидаги иш натижаларига қараб мукофотлар тақсимланади. Янги ўнта мукофот намунали уй эгаларига мулжалланган.

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигини ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланади.

Т.ШЕРОВ

Хамкорлик

ОЛҒА ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламент аъзолари учун семинар ташкил қилинган эди. Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти мазкур семинарни ўтказишда фаол қатнашди. Мухбиримиз шу институт вакили, иқтисодиёт доктори Марина ТОДОРОВА хоним билан учрашиб, семинар иши ҳақида ўз таассуротларини гапириб беришни илтимос қилди.

— Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг ташаббуси билан ўтказилди,-деди М. Тодорова хоним. Ўзбекистон Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институтига мурожаат этиб, семинар машғулотлари ўтказишни илтимос қилгач, мен шу семинар дастури хусусида маслаҳатлашиб олиш учун ўтган йил ноябрь ойида Тошкентга келган эдим. Шуни айтиш керакки, биз бу хил тадбирни собиқ иттифоқнинг икки республикасида — Украина билан Қирғизистонда ўтказган эдик. Украинада ўқитишнинг алоҳида тармоқ дастури амал қилмоқда.

Аммо, сизлардаги семинар давлатнинг юқори погоналарида хизмат қилувчи арбоблар — Олий Мажлиснинг халқ депутатлари учун ўтказилди. Бундай юқори даражада илгари семинар ўтказилмаган. Сизларнинг парламентингиз аъзолари Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларда, Шарқий Европа давлатларида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга гоятда катта қизиқиш билан қарадилар.

Мен ушбу семинарни ўтказиш учун жаҳоннинг турли мамлакатларидан иқтисодиётнинг хилмахил соҳаларида ишловчи экспертларни жалб қилдим. Бу ерда жуда мароқли мавзулар бўйича маърузалар қилинди. Масалан, «Бюджетга оид еки фискал сиёсат қай тарзда амалга оширилади?» мавзуи диққатга сазовордир. Бу бизнинг биргаликда бажарадиган ишимизнинг дебочасидир, деб ўйлайман.

1992 йилдан буён Ўзбекистон Жаҳон банкининг аъзоси ҳисобланади. Мамлакатингиз пойтахти эса бизнинг Вена қўшма институтимизнинг Марказий Осиё минтақаси марказидир. Ҳозир бу илм юртида собиқ социалистик иттифоққа кирган мамлакатлардан келган ходимлар иқтисодиёт соҳасида ишлаш учун тайёрланмоқда. Бироқ бизнинг институтимизга кириш учун дастлаб, Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарлардаги минтақавий марказларида таълим олиш лозим. Шундан сўнгтина Венага, иқтисодий сиёсат бўйича 4 ойлик курслардан ўтиш учун йўлланма берилади.

Ҳозирги пайтда республикада ўқитишнинг бир неча дастури амал қилмоқда. Ўзбекистоннинг 4 та шаҳарида Истиқболни белгилаш ва давлат статистика қўмитаси доирасида давлат идораларининг хизматчилари учун ўқиш ташкил қилинган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги, банк ишлари бўйича кадрларни инвестицияларни баҳоловчи мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳам бажарилаяпти.

Олий Мажлисда ўтказилган семинар ҳар иккала томон учун ниҳоятда мароқли ва сермазмун бўлди. Депутатлар билан жонли мулоқотлар ўтказилди. Турли нуқтаи назарлар муҳокама этилди. Кўпчилик диққатини ўзига жалб қилувчи масалалар хусусида қизғин баҳслашувлар бўлди. Бу хил семинарларнинг ижобий томони шундаки, унда ўзаро тажриба алмашинади, бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган муаммолар таҳлил қилинади. Бунинг яна бир яхши жиҳати бор: бошқа мамлакатларда бу хусусда йўл қўйилган хатолардан тегишли сабоқ чиқариб олинади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, узининг ривожланиш йўли бор. Хусусийлаштириш жараёнини мисолга олайлик. Бу жараён турли мамлакатларда турлича йўлдан бормоқда. Ахир бошқа мамлакатларда маданият ҳам одамларнинг турмуш тарзи, фикрлаши ҳам бошқача.

Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлини, асосий мақсадини янада аниқ-равшан белгилаб олиши лозим деб ўйлайман. Малайзияни олайлик. Бу мамлакат ривожланган саноат давлати бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Сизларнинг мамлакатингиз бошқаларнинг тажрибасидан фойдаланиб, аммо ўз имкониятлари ва ўз манфаатига таяниб иш тутса, яхши бўлур эди. Биз ўтказган семинар ана шу йўлда олға ташланган ижобий қадам бўлса, ажаб эмас.

Суҳбатни Фарҳод РАСУЛОВ ёзиб олган.

Ислоҳот қирралари

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ:

Ватанимизда иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий маҳсулини берадиган пайт келди. Зеро, кейинги 4 йилда бу борада энг муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бошқарувни қайта қуриш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, янги молия-солиқ тизимини жорий қилиш, миллий валютани ҳаракатга киритиш ва унинг ички конвертлашни таъминлаш, нарх-навони шакллантириш, ташқи иқтисодий алоқани ривожлантириш, бир қатор биржаларни ташкил қилиш ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Қисқа муддатда бозор иқтисодининг ҳуқуқий заминини яратувчи элликдан ортиқ қонунлар, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг юздан ортиқ Фармон ва қарорлари чиқарилди. Ватанда тинчлик, осойишталик таъминланиб, ислоҳотнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун қулай шароит яратилди. Ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш учун бир йўла ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ишлар амалга оширилди. Айниқса, нарх-навони эркинлаштириш ишларининг ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари билан ҳамоҳанг равишда олиб борилиши энг мураккаб масалани ортиқча салбий оқибатларсиз ҳал этиш имконини берди.

Республика Президенти таъкидлаганидек, «энг оғир якунлар ортда қолди. Энди амалга оширилган ишларнинг натижасини кўрадиган вақт келди».

Натижалар ёмон эмас. 1995 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1990 йилга қараганда МДҲ бошқа мамлакатларига нисбатан энг юқори кўрсаткични ташкил этган. 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши янада юқори бўлади. Бу йил Асака шаҳридаги йирик автомобилсозлик заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси, йирик енгил саноат корхоналари ишга туширилади. Ўзбекистон иқтисодининг ривожланишига уларнинг ҳиссаси катта бўлади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳот бир неча йўналишда ривожлантирилаяпти. Чунончи, бир томондан иқтисод таркибини ўзгартириш, яъни ўзимизда ҳом ашё манбалари етарли бўлган озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, ёқилғи-энергетика, электротехника тармоқларининг, иккинчи томондан аҳолининг кенг истеъмол буюмлари ва хизматга бўлган эҳтиёжини қондирувчи тармоқларни ривожлантиришга, учинчидан ташқи иқтисодий алоқани ривожлантиришга эътибор бериляпти. Ниҳоят, тадбиркорликни ривожлантириш учун бозорижара тизимини талаб даражасида юксалтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция сиёсатини кучайтиришга қаратилган ишларнинг қўлами кенгайтирилаяпти.

Бундан ташқари 1995 йилда инфляция суръатлари анча пасайтирилиб, иқтисодий тараққиёт учун яхши шароит яратилди. Чунки инфляция суръатлари юқори бўлганда иқтисодни ривожлантириш анча қийин кечади. 1995 йилда бир қатор ижобий кўрсаткичлар билан бирга камчиликлар ҳам содир этилди. Булар солиқ турларининг ва ставкаларининг юқорилиги, тўлов ва дебитор қарзларининг кўпайиб кетиши, иш ҳақи тўловларининг кечикиб кетиши, хориждан келаётган сармоянинг етарли ўзлаштирилмаслиги, талаб ва таклиф механизмининг иқтисодий ривожланишга сust таъсир қилиши, рақобат мухитининг етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Маҳсулот таннархида иш ҳақига қилинадиган харажатлар усиб кетган. Айниқса, қишлоқ хўжалигида таннарх таҳлил қилинмайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган материал, ёқилғи, энергия, ўғит, меҳнат ресурслари меъёрланмайди. Ҳисоб-китоб ишлари қониқарсиз даражада. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан уни истеъмол қилувчилар ўртасида тузиладиган шартномаларга риоя қилинмайди. Шартномаларни бажариш интизоми ниҳоятда паст даражада. Шартнома шартларини бузганлардан жарима ундирилмайди. Айнан ана шу жаримани ундириш шартнома шартларини тўла бажаришга ундовчи механизмдир. Агар шартнома шартларининг тўла бажаришга эришилса, тўлов интизоми яхшиланиб, молиявий аҳвол ҳам изга тушиб кетади.

Бозор иқтисоди шароитида асосий масала-нима ишлаб чиқариш, қандай талаб ва таклифни ўрганиш, керакли ресурсларга эга бўлиш ва улардан самарали фойдаланиши зарур. Тадбиркорлар иқтисодий фаолият субъектлари бўлиб, бир томондан заҳиралар, асбоб-ускуналар, ижара, ёқилғи, энергия учун сарф-харажатларни, иккинчи томондан фойдани кўзлаб иш олиб боришлари керак. Ундан ташқари тадбиркорлар бозор талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерда сотиш, баҳо ўзгаришини кузатиб бориш, аҳоли харид қобилиятини ўрганиб туриш, маҳсулотга нарх белгилаш масаласини ҳал қилишлари керак.

Масалан, Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида гўшт-сут Тошкент шаҳрига қараганда 30-40 фоиз арзон. Чунки у ерларда чорвачилик ривожланган бўлиб, истеъмолчилар нисбатан кам. Тошкентда истеъмолчилар кўп, гўшт-сут кам. Бозор инфраструктурасини ривожлантириб, барча ҳудудларда талаб ва таклиф мослигига эришилса, нарх ҳам муқобиллашади. Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири макро-иқтисодий муқобилликни таъминлашдир. Макроиқтисодий сиёсат деганда ҳукуматнинг иқтисодий таъсир кўрсатиш сиёсати тушунилади.

Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади иқтисодий ривожланишни муқобиллаштиришдан иборат. Бунинг учун, аввало давлат миқёсида иқтисодий раққиётнинг керакли суръатларини, юқори бандликни таъминлаш, пулнинг қадрсизланиш суръатларини энг паст даражада ушлаб туриш ва баҳоларни муқобиллаштиришга оид чора тадбирларни амалга ошириш зарур.

1995 йил охирига келиб иқтисодий пасайиш деярли тўхтатилди. Иқтисоднинг асосий тармоқлари — қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, металлургия, машинасозлик, автомобил саноати, кимё саноатларида суръатлар ўсишига эришилди. Ишга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги масаласига келсак, бу соҳада кескинлик йўқ. Илгари ҳам, ҳозир ҳам аёлларнинг бандлик даражаси эркакларга қараганда анча паст. Янги қурилаётган корхоналар, маиший, тиббий хизматларнинг, савдо-сотиқнинг кескин ривожланиши ҳисобига иш билан банд аёллар сони кўпайиб бормоқда.

Узбекистон учун бандлик соҳасидаги муҳим масала бу қишлоқ хўжалигида ишлаётган аҳоли сонини яқин 3-5 йил ичида 1-1,5 миллионга камайтиришдан иборат. Бу масалани ҳал қилиш учун Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлаш, кичик, хусусий корхоналарни қуриш, аҳолининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларга ўтказиш зарур. Илгари қишлоқ хўжалигида етиштириладиган хом ашёни қайта ишлайдиган барча корхоналар шаҳарларда жойлаштирилган. Шундай қилиб шаҳар билан қишлоқ орасида меҳнат қўйидагича тақсим қилинган — қишлоқ хом ашё етиштиради, шаҳар эса тайёр маҳсулот. Бундай меҳнат тақсимоти шаҳар билан қишлоқ орасида инфраструктура, қиёфа, иқтисодий-ижтимоий, маданий тафовутнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Қишлоқни саноатлаштириш ва у ерда истеъмол учун тайёр маҳсулот чиқариш қишлоқ билан шаҳар орасидаги номутаносибликни бартараф қилишга ёрдам беради.

Иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим масалаларидан бири пулнинг қадрсизланишига қарши курашдир. Бу иш 1995 йилда муваффақиятли олиб борилди. Лекин жаҳон талабларидан келиб чиқиб инфляцияга баҳо берилса, унинг кўрсаткичи ҳали ҳам нисбатан юқори. Унинг юқорилигини бозорларда гўшт, сут, мева, сабзавот, дон маҳсулотлари баҳосининг ўсиб боришидан ҳам сезса бўлади.

Инфляция бу ҳаракатлардаги қоғоз пулнинг ишлаб чиқарилган товар ҳажмига нисбатан кўпайиб кетиши ёки пулнинг харид қобилияти пасайиб кетиши ёхуд узоқ вақт нархнинг ошиб бориши демакдир. Инфляция пулнинг мо-

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси меҳнат ҳуқуқ Бош инспектори Абдувоҳид АҲМЕДОВ жавоб беради.

Биз яшаётган уй эримнинг номида бўлганлиги учун коммунал ҳужжатлар тўлови бўйича имтиёзлар ва компенсациялардан фойдалана олмаяпмиз.

Шу тўғрими?

В. АҲМЕДОВА,
Сирдарё вилояти,
Оқ олтин тумани, ўқитувчи.

Афсуски, мутлақо ғайриқонуний. Чунки, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари бўйича ўқитувчилар ва маориф соҳасидаги бошқа ходимларга квартира тўлови ва коммунал хизматлар бўйича белгиланган имтиёзлардан нафақат уй эгалари бўлган ўқитувчилар, балки ҳамма ўқитувчилар баробар фойдаланадилар, яъни имтиёз уйга эмас, балки ўқитувчиларга тегишлидир.

Бу ҳақда Республика Молия вазирлиги, Олий таълим ва халқ таълими вазирликларининг 1992 йил 26 февралдаги № 03—163 тушунтириш хатининг 3-бандида аниқ ва равшан қайд этилган.

Ўзим жаома хўжалигида ишлайман. Кичик фарзандим 2 ёшга тўлгунча ҳар ойлик нафақани «Фармонда кўзда тутилмаган» деган важ билан тўлашмаяпти?

Шу тўғрими?

Маҳфират ТУРСУНОВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани.

Узбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1994 йил 28 июлдаги тасдиқланган «Бола 2 ёшга тўлгунча парвариш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ республикадаги энг кам бўлган иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида болани парваришлаш учун онага тўланадиган нафақа (унинг миқдори кейинчалик бир неча марта қайта кўриб чиқилди ва оширилди) ишлаётган онанинг иш жойидан корхона маъмурияттининг буйруғи (қарори)га мувофиқ тўланади.

Мазкур Низомнинг 7-бандига асосан нафақани олиш учун нафақа тайинлашни сўраб ёзган ариза ва боланинг туғилганлик гувоҳномасининг нусхаси талаб қилинади ва нафақа бола 2 ёшга тўлганча тўланади.

Ўз вақтида ариза билан мурожаат қилинмаган ҳолларда нафақа ўтган 3 ой муддат учун тўланиши кўзда тутилган. Маъмурият айби билан нафақа туланмаган тақдирда эса ўтган барча муддат учун нафақани ундириб олиш мумкин. Бу қоида Низомнинг 14-бандида кўрсатилган.

Хуллас, Сизга нафақа тўланишида жамоа хўжалиги маъмурияти томонидан хатоликка йўл қўйилган.

Мен аввал ишлаб турган ишхонамдан ўз хоҳишим билан бўшаб, 1995 йил май ойида яна ишга қайтдим. 13 маошни олишим мумкинми?

Баҳодир РАЖАБОВ,
Урганч темир йўл депоси ишчиси.

Йиллик меҳнат якунлари бўйича ходимларга тўланадиган рағбатлантириш тўлови .кўпроқ 13-маош номи билан аталади корхонада ишловчи ҳар бир ходимга унинг йиллик фаолият натижаларига ва ишлаган даврига мутаносиб равишда тўланади.

Ушбу тўловнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳар бир корхонада касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Низомда акс эттирилади.

Сизга 1995 йилнинг май ойидан бошлаб ишлаган даврингиз учун 13-маош тўланиши керак.

Ишлаб чиқаришдан озод қилинган касаба уюшма комитетининг раисига меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик нафақаси қаердан тўланади?

Раҳмон НАРЗИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти
Пастдарғом тумани,
Ўзбекистон
жамоа хўжалиги
касаба уюшма
қўмитаси раиси.

Амалдаги давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 82-бандига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан ходим доимий ишлаб турган (маош олаётган) корхона, ташкилот ва муассаса томонидан тўланади.

Ишлаб чиқаришдан озод қилинган касаба уюшмалари идораларининг раҳбарларига ҳам касаллик даври учун нафақа улар ишлаб турган касаба уюшма ташкилотида давлат ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан тўланади ва ижтимоий суғурта маблағларини сарфлаш бўйича ойлик (чораклик) ҳисоботларида акс эттирилади.

Штат қисқартирилиши сабабли ишдан бўшатиш тартиби қандай?

Ш. КАРИМОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод тумани.

Штат қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатиш янги Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 1-бандида кўзда тутилган бўлиб (аввалги Кодекснинг 41-моддаси 1-банди) у асосли ва қонунчиликка мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Штат қисқариши учун давлат бюджетидаги ташкилот ва муассасаларда юқори идораларнинг қарори, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда эса раҳбарининг буйруғи асос бўла олади.

Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам бўлажак штат қисқариши ҳақида ходим камида 2 ой олдин ёзма равишда шахсан огоҳлантирилади ва маъмурият томонидан уни бошқа иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Агар ходимни бошқа иш билан таъминлаш имкони бўлмаса, унга бир ойлик ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги нафақа тўланиб ишдан бўшатилади.

Штат қисқариши сабабли ишдан бўшатилган ходимларга нисбатан кафолатлар «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Узбекистон Республикаси қонунининг 27-моддасида кўзда тутилгандир.

Қандай ҳолларда ишлаётган пенсионерларга 2 ойлик пенсия тўлиқ тўланади?

У. ДАВЛАТОВ,
Оқ олтин туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш ҳақида»ги Фармонини қўллаш буйича республика ижтимоий таъминот вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий сугурта жамғармаси бошқа тегишли вазирликлар билан биргаликда «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибини» 1995 йилнинг 19 декабрида тасдиқладилар ва у 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб амал қилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг 31-бандида, агар пенсионер календар йил давомида 2 ойгача муддатга тузилган вақтинча меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишласа, у ҳолда пенсия ва иш ҳақини тўлиқ миқдорда олиш мумкинлиги кўрсатилган. Мабодо иш муддати 2 ойдан ошиб кетса, у ҳолда пенсия миқдори 50 фоиз тўланади.

ОЙ ҲОЛАТЛАРИ ВА ДАЛА ИШЛАРИ

Ойнинг биринчи чораги (Янги Ойдан тўлин Ойгача бўлган муддатнинг ўртасигача).

Асосан яшил барг кўринишидаги ҳосили ер юзасида буладиган бир йиллик ўсимликлар, шунингдек, уруғсиз қисмидан овқатда фойдаланиладиган карам, сельдерей, салат, петрушка, сарсабил каби ўсимликлар экилади. Бодринг, қовун ва донли, бошоқли ўсимликларни ҳам Ойнинг биринчи чорагида экқан маъқул. Минерал ўғитлар берилади. Уй ҳайвонларини сотиб олиш (айниқса, Ой «мевали» буржидан ўтаётганида) матлубдир.

Ойнинг иккинчи чораги (янги Ойдан тўлин Ойгача бўлган муддат ўртасидан тўлин Ойгача бўлган вақт):

Бу вақт ичида уруғи бўлган гўштли мевадан иборат ҳосили ер юзасида буладиган бир йиллик ўсимликлар, масалан, помидор, қалампир, кабачки, қовоқ, шунингдек, нўхот, дуккаклилар, палаги ер юзаси бўйлаб ёйиладиган ва сирғаладиган барча ўсимликларни экилади. Донли, бошоқли ўсимликлар, шунингдек, саримсоқ, кўкат учун пиёз экилса яхши ҳосил беради. Уларни, айниқса, Ой «мевали» буржидан ўтаётганида экиш самарали бўлади.

Ойнинг учинчи чораги (тўлин Ой ҳолатидан кейинги янги Ойгача бўлган муддатнинг тахминан ярмигача): икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликларни, шунингдек, ҳосили ер остида етиладиган илдиз мевали, илдиз пояли бир йиллик сабзавотларни экиш керак. Кузги (қишни ўтказадиган) ўсимликларнинг ҳаммасининг ҳам шу кезда экилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Дарахт кўчатлари, тупи билан экиладиган кўчатларни, пиёз, картошка, равоч, кузги бўғдой, ток кўчатларини шу паллада ўтказиш ва экиш мақбул. Мевалар қуритилади - бунда Ойнинг «Оловли» буржлар - «Қўй», «Арслон», «Ёй»дан ўтаётган вақти ҳисобга олинса янада яхши натижага эришилади. Маҳаллий ўғитларни (айниқса, Ой «Мевали» буржлардан ўтаётган кезларни ҳисобга олган ҳолда) солиш фойдали. Ойнинг бу палласи дарахтлар шоҳларини кесиш учун ҳам энг қулай пайт ҳисобланади. Бунда Ой «Чаён» ва «Тоғ эчкиси» буржларидан ўтаётган кезларига эътибор берган маъқул.

Ойнинг тўртинчи чораги. (Тўлин Ойдан янги Ойгача бўлган муддат ярмидан янги Ой чиққунча): ерни чопиқ қилиб чиқиш, юмшатиш, утоқ қилиш, зараркунандалар ва бегона ўтларга қарши кураш - буни айниқса Ой «пушт-сиз» буржлар - «Арслон» ва «Қўй» буржларидан ўтаётганда бажариш энг яхши натижа беради. Органик ўғитлардан тайёрланган компостни бостириш - бу ишни айниқса, Ой «Ҳўл» буржлардан, чунончи, «Чаён» буржидан ўтаётганда бажариш керак. Маҳаллий ўғитларни солишни Ой «мевали» буржлардан ўтаётган кезлари амалга ошириш фойдали. Дарахт ва ўсимликларга дори сепиш Ой «пушт-сиз» буржлардан ўтаётган кезларга мослаб амалга оширилиши мақбул. Консервалар тайёрлаш - бу ишни Ой «Ҳўл» буржлар «Қисқичбақа»,»Чаён», «Балиқ» буржларидан ўтишига мослаб бажариш самарали бўлади.

Ой буржларининг ҳар бирига мувофиқ келадиган дала ишлари хусусида газетамизнинг келгуси сешанба сонида ҳикоя қилинади.



Самарқанд вилоятидаги «Заршод» ишлаб чиқариш тижорат фирмасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Аёл ва эркакларнинг кийимлари тўкилмоқда.

Суратда: ишчи Зарифа Ҳайруллаева. К.ЎЛМАСОВ сурати.

Маданият ҳабарлари

ШУ АЗИЗ ЮРТ БАРЧАМИЗНИКИ

Гулистон давлат университетида утказилган илмий-амалий анжуман ана шундай номланди. Анжуманни Республика олий ва урта махсус таълим Вазирлиги, ГДУ, вилоят қозоқ, қиргиз, корейс, миллий маданий марказлари уюштирдилар.

Университет ректори Р. Жўраев, Узбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Х. Алиқулов, вилоят қозоқ миллий маданий маркази раиси С. Дониеров, вилоят қиргиз миллий маданий маркази раиси Т. Мисиров, вилоят корейс маданий маркази раиси А. С. Ли, Узбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи А. Зоҳидий ва бошқалар «Туркистон — маънавият учоғи», «Халқ бирлиги жамият тараққиетини белгилайди» каби мавзуларда атрофлича маърузалар қилишди.

Н. ҚОСИМОВА

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи 2 кун куй ва қушиқ мухлислари билан гавжум бўлди: Бу ерда «Узбекистон — Ватаним маним» мавзуида вилоят қурик-танлови бўлиб ўтди. Қурик-танловга вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган санъаткорлар 36 та қушиқ тақдим этдилар. Қизғин баҳслардан сунг танлов голиблари аниқланди.

Биринчи ўрин конимехлик санъаткор Қодир Жўрақулов ва Зарафшон шаҳридаги «Атлас» гуруҳига, иккинчи ўрин Навоий шаҳридаги Турсуной Рузметова, қизилтепаликлар вакили Уткир Эрназаров ҳамда хатирчилик хонанда Насриддин Шомуродовга, учинчи ўрин нуроталик Абдураззоқ Мажидов, Навоий туманидаги Турсунбек Раҳимов ҳамда Учқудуқ туманидан Жанна ва Достон Акиневларга насиб этди. Голиблар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек бир қатор ижрочилар рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиби бўлдилар.

А. ҲАСАНОВ.

«РЕНК КСЕРОКС» СИФАТ ОРҚАЛИ ЕТАКЧИЛИККА

1938 йилнинг 22 октябрида маълумоти ҳуқуқшунос, истеъдоди кашфиётчи Честер Карлсон қўлёзманинг биринчи нусхасини тайёрлаган эди. Бу жараённи у «Ксерография» деб атади. «Ксерография» ибораси юнонча «қуруқ» ва «ёзиш» сўзларидан ташкил топгандир. Нусха кўчириш ускунасининг кашф қилиниши ҳужжат билан ишлашда катта қулайликлар яратди. Ҳозирги пайтда бундай ускунасиз ер юзидаги бирон бир муассаса ёки корхона ишлаши амри маҳол. Бу борада Англиянинг «Ксерокс» компанияси жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Мухбиримиз «Ренк Ксерокс» фирмасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Мартин Бэнфилд билан учрашиб, мулоқотда бўлди.

— Жаноб Бэнфилд, ҳозир бутун дунёда ксерокс нима эканини яхши билишади. Шунга қарамай ҳар қандай муассасанинг ишини нусха кўчирувчи қурилмасиз тасаввур қилиш қийин. Лутфан, «Ксерокс» компанияси қандай тузилгани ва ривожлангани ҳақида гапириб берсангиз...

— «Ксерокс» компанияси 1956 йилда ташкил этилганди. Буюк Британиянинг Митчелдинг шаҳридаги биринчи заводимиз 1957 йилда ишга тушди. У ҳозир ҳам муваффақиятли ишлаб турибди. Лекин ускуналари бутунлай бошқа. Шундан кейин Нидерландияда ва Францияда корхоналаримиз очилди. Компания тез ривожланиб бутун қитъага қулоч ёзди. Сунгра океан ортига ҳам илдиз отди. Бугун «Ксерокс» энг самарали Америка — Европа қушма корхонасидир дейишга барча асослар бор. У дунёдаги 150 йирик компаниялардан биридир. Европадаги ўз тармоғимизда бизнинг ҳиссамиз 70 фоизни ташкил этади. Унинг йиллик айланмаси 3,5 миллиард ЭКЮга тенгдир.

Фирмада қарийб 25 минг ходим ишлайди. «Ксерокс» компанияси билан яқин алоқада бўлган Европадаги барча маҳсулот етказиб берувчиларимиз ҳам шунча кишидан кам эмас. Мана 35 йилдирки, «Ренк Ксерокс» компанияси собиқ иттифоқ республикаларида, ҳозир МДҲ давлатларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ўзбекистон бозорида қачондан бошлаб фаол ишлай бошладингиз ва Марказий Осиё минтақасида «Ренк Ксерокс»нинг бош идораси сифатида айнан Тошкентни танлаганининг боиси нимада?

— «Ренк Ксерокс» фирмаси Узбекистонда ишлаётганига турт йил бўлаяпти. Сизнинг республикангиз минтақада муҳим сиёсий ва стратегик вазиятга эга, Президент Ислом Каримов ва ҳукумат иқтисодий ислоҳотларнинг қатъий йўлини утказмоқдалар, хорижий технологиялар ва сармояларга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, жамиятда барқарор вазият ҳукм сурмоқда, узбек халқи меҳнатсеварлиги ва меҳмондустлиги билан ажралиб туради. Худди шу боисдан ҳам бундан уч йил бурун «Ренк Ксерокс» фирмаси «Шарқ» матбаа-нашриёт концерни билан биргаликда янги корхона — нусха кўчириш маркази «Узбек-Ксерокс» ташкил этилди.

Республика пойтахтининг ишбилармон доиралари қушма корхонамизни яхши билишади. Бу ерда

Бизнинг мулоқот

ажойиб нусхалар кўчиртириб олибгина қолмай, «Ксерокс» фирмаси ускуналарини сотиб олиш ва уларни ишлатишда малакали ёрдамдан баҳраманд бўлиш мумкин.

Яқин вақт ичида Узбекистоннинг барча вилоятларида ҳудди шундай нусха кўчириш марказлари очилади. Уларнинг жиҳозланиши пойтахтдагидан қолишмайдиган бўлади. Жойлардаги нусха кўчириш марказларида ҳам «Ренк Ксерокс» ускуналари намойиш қилинади ва сотилади, техник хизмат кўрсатилади.

— Жаноб Бэнфилд, бунинг учун бундай техникани яхши биладиган малакали ходимлар керак-ку ахир?! Зеро уларни Тошкентда топиш бошқаю, чекка жойларда бошқа...

— Албатта бу борада баъзи муаммолар бор. Бироқ «Ренк Ксерокс» компанияси малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор беради. Бунинг учун анча маблағ ажратилмоқда. Москвада улкан ўқув марказимиз бор. У МДҲ республикаларининг барчасига хизмат кўрсатади. У ерда йилига минглаб киши таҳсил кўради. Бундан ташқари Санкт-Петербург, Қозон ва Тошкентда зарур мутахассисларни ўқитиш бўйича махсус курслар ишлаб турибди. Бизнинг фирмамиз барча шарт-шароит-яратилгачгина маҳсулотни сотиш қоидасига қатъий амал қилади. Техникага хизмат кўрсатувчи муҳандисларни ўқитиш, йўриқ ва дастурлар буюртмачи тилига таржима қилиш ана шу тушунчага киради. Албатта, янги техникани Япония ёки Америкадан келтириб сотиш жуда жўн. Бордию у бузилиб қолса харидор нима қилади? Тайёрловчи фирма шаънига нималар демайди? «Ренк Ксерокс» эса ўз шарафини қадрлайди. Ахир, «Ксерокс»ни сифат компанияси дейишлари бежиз эмас-да!

Яхши сифатга эришиш учун биз барча имкониятларни ишга соламиз. Ходимларимиз ҳам қайси мамлакатда ишламасинлар бу қоидани яхши биладилар ва уларнинг ҳар бири «сифат орқали етакчиликка» шиорига амал қиладидар. Сунгги йиллар ичида фирма буюртмачиларни қониқтириш даражасини 70 дан 90 фоизга кўтардилар ва аминмизки тез орада 100 фоизлик даражага эришамиз. Чунки айнан «Ксерокс» сифат соҳасида эришган ютуқлари учун Европа Сифат дипломнинг биринчи соҳиби бўлди.

— Билишимча, нусха кўчириш ускуналари «Ренк Ксерокс» фирмаси чиқараётган энг машҳур маҳсулот бўлса ҳам ягона эмас?

— Компания маҳсулотлари ва хизматларининг турлари ва доираси шу қадар кенгки, буни 500000 буюртмачиларимиз талабларининг кенглигидан билса ҳам бўлади. Биз барча соҳаларда энг оддий нусха кўчириш аппаратларидан тортиб улкан полиграфия қувватларигача ишлатамиз. Бу нусха кўчириш, дубликат олиш аппаратлари, принтер рақами тизимлари, электрон принтерлар, факсимил техникаси, компьютерлар тармоқларига уланувчи куп вазифани қурилмалар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат қилиш демакдир. Шуни ҳам тула масъулият билан айта оламизки, 1956 йилги биринчи нусха кўчириш аппаратимиз сингари ҳозирги буюмларимиз ҳам бошқа фирмаларнинг ҳудди шундай намуналаридан устун туради. «Ксерокс» ҳамиша «Ксерокс»дир!

— Ишларингиз янада бароридан келсин.

Суҳбатдош:
А. СИЛЕЕНКОВ.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

нетар назариясига мувофиқ ҳаракатдаги ортиқча пул миқдори билан улчанши керак. Шундай қилинади ҳам. Лекин инфляция даражасини улчаш баҳоларнинг ўсиш назариясига биноан асосий нархларнинг индексини, яъни муносабатини аниқлаш орқали амалга оширишдан иборат. Баҳолар индекси деганда бир йилдаги баҳо кўрсаткичининг базис деб қабул қилинган йилдаги баҳога муносабати тушунилади. Амалда баҳолар индекси қуйидаги турлар буйича ҳисобланади:

— истеъмол моллари баҳосининг индекси;

— кутара сотиладиган товарлар баҳосининг индекси;

— баҳолар индекси — бу ички яъни маҳсулот кўпайишини ҳисобга оладиган индекс;

— экспорт, импорт қилинадиган маҳсулотлар баҳосининг индекси.

Энг кўп ва кенг қўлланиладиган индекс бу истеъмол маҳсулотлари баҳосининг индексидир. Бу индекс «истеъмол халтаси»га киритиладиган маҳсулотлар баҳоси буйича ҳисобланади. Бу индексни ҳисоблашда бирор йил, масалан, олдинги 4 ёки 5 йил базис йили деб қабул қилиниб, ундан кейинги йиллардаги баҳоларни базис йилидаги баҳоларга муносабати амалий ҳисобланади ва шу кўрсаткичлар орқали баҳоларнинг узгариш қонунияти аниқланиб, таҳлил қилинади.

Истеъмол маҳсулотлари баҳосининг индексини ҳисоблаганда аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган барча товар ва хизматлар ҳисобга олинмайди. Бунда фақат «истеъмол халтаси»га кирувчи асосий истеъмол товарларигина ҳисобга олинади. Яъни асосан озиқ-овқат, кийим-бош ва асосий хизмат турлари — тиббиёт, транспорт, почта, алоқа, дам олиш, маданий хизматлар ва шахсий гигиенага кетадиган харажатлар олинади.

«Истеъмол халтаси»га кирувчи товарлар индексини кўпинча аҳоли даромадига қараб, уч тоифага булиб ҳисобланади. Яъни юқори, урта ва паст даражадаги баҳолар сурьатининг узгаришига қараб инфляция қуйидаги турларга бўлинади:

1.) нормал инфляция — сурьати бир йилда 3-3,5 фоизни ташкил этади.

2) ўртача инфляция — бир йилда 10 фоизгача сурьатларга эга бўлади;

3) сакровчи инфляция — сурьати 20-200 фоиз;

4) гиперинфляция — бир ойда 50 фоиз ва ундан юқори сурьатга эга бўлади.

Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилар:

1) Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг ошиб кетиши. Гап хом аше, ёқилги, энергия, материалларнинг, иш ҳақининг ошиб кетиб, маҳсулот баҳосининг кутарилиши натижасида рўй берадиган инфляция хусусида кетаяпти. Айниқса иш ҳақининг ўсиш сурьати, меҳнат унумдорлигининг ўсиш сурьатидан юқори бўлганда инфляция сурьати кутарилиб кетади.

2) Талабнинг таклифдан юқори булиши. Талаб ва таклиф орасида катта тафовутнинг пайдо булиши баҳонинг тез ўсишига, натижада инфляция сурьатининг кутарилишига олиб келади.

3) Монополистик баҳо белгилаш — фойда инфляциясини келтириб чиқаради. Олинган мумай фойда эгалари пул қадрини ерга уради ва нархларининг ўсишига сабабчи буладилар.

4) Пул массасининг кўпайиб кетиши. Ҳаракатдаги пул миқдорининг ўсиши, товар миқдорининг ўсишига мос равишда олиб борилиши керак.

Айрим вилоятларда товар ишлаб чиқаришини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, хизмат турларини кўпайтиришга етарли эътибор берилмаяпти. Натижада аҳоли қўлидаги пулларини бошқа шаҳарларга бориб сарфлашга мажбур бўлади. Ана шу вилоятларда пул эмиссияси кучайиб кетади. Шундай тоифадаги вилоятларга Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари киради. Ҳаракатдаги пул массасининг айланиш тезлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш, бунинг учун вақти-вақти билан аҳоли талаби юқори бўлган товар интервенциясини утказиб туриш керак.

Умуман, инфляция ҳам аҳолига, ҳам тадбиркорга маъқул бўлмаган жараён. Шунинг учун давлат унга қарши самарали кураш олиб боради. Инфляцияни бартараф қилиш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириб бориш, четга тайёр маҳсулотни кўплаб чиқариш, замонавий корхоналарни кўплаб қуриш, тадбиркорликни ривожлантириш даркор. Республика Президенти хусусан керакли чора-тадбирларни кўряптилар.

Умуман, макроиқтисодий сиёсатнинг тўғри йўналиши мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

1) Солиқ бюджети сиёсати. Бунда давлатнинг солиққа тортиш ва давлат сарф-харажатлари тушунилади. Солиқ-бюджети сиёсати ялпи талабга, пулнинг қадрсизланишига таъсир кўрсатади. Бу сиёсат ялпи таклифнинг усишига ҳам таъсир кўрсатади.

Лекин кўпчилик тадбиркорлар солиқ турларининг ва ставкаларини юқорилигидан шикоят қиладилар. Бу шикоят уринли эмас. Ҳозирги товарлар ҳажми етарли булмаганда солиқларнинг кам бўлиши ишбилармонлар даромадининг кескин ошишига ва даромад инфляциясининг ўсиб кетишига олиб келади.

2) Сармоя-пул сиёсати. Бу сиёсат Марказий банк томонидан олиб борилади. Бунга ҳаракатдаги пулнинг миқдорини бошқариб бориш, кредит ресурсларини шакллантириш ва фоиз ставкаларини белгилаш, узгартириб туриш киради. Бу сиёсат ҳам ялпи талаб ва таклифга таъсир кўрсатади. Республика Марказий банки бу сиёсатни етарли олиб бораяпти.

3) Давлатнинг валюта курси ва ташқи савдо соҳаларидаги сиёсати. Бунга ташқаридан мол олиб келиш ва мол олиб чиқишни назорат қилиш, айниқса ресурсларни, шу жумладан, капитални четга олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш, бож квоталари, бож тўловлари тарифларини белгилаш ишлари киради. Бу йўналишдаги ишлар ҳам замон талаби даражасида олиб борилаяпти.

4) Давлатнинг даромадлари соҳасидаги сиёсати. Бунга иш ҳақининг ва баҳоларни иқтисодий усуллар ёрдамида бошқариб бориш сиёсати киради. Иқтисодий вазиятнинг узгаришига қараб давлат мунтазам равишда ягона тариф сеткасининг нулинчи босқичи ставкасини, солиқ олинмайдиган иш ҳақининг минимал миқдорини, нафақа, стипендия ва бошқа тўловлар миқдорини узгартириб турибди.

Республика Президенти инвестицион жараённи кучайтириш учун катта саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Узбекистонга хорижий сармояларнинг келиши йилдан-йилга усмоқда. Лекин уларни тезлик билан узлаштириш учун бизнес-режалари тузилиб, тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилиши керак.

Хорижий сармояни олиб келиш билан бир қаторда аҳолининг пул даромадини ҳам сармояга айлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу чора қимматбаҳо қоғозлар чиқариб, сотиш ва тушган пулларни энг юқори самара берадиган соҳаларга йўналтиришга қаратилади.

Инвестицион фаолиятни жонлантириш учун банкларнинг ва корхоналарнинг ҳисоб счётларида аҳолининг ортиқча маблағларининг жамгарилишига ва уларни сармояга айлантирилишига эришмоқ зарур.

Сармоялар биринчи навбатда иқтисоднинг асосий тармоқларини ривожлантиришга йўналиштирилиши керак. Уларнинг самарадорлигини ошириш учун молия-саноат гуруҳларини, холдинг, лизинг компанияларини кўплаб ташкил қилиш керак. Бундай компанияларни кўплаб хорижий банклар ва катта фирмалар билан биргаликда тузиш лозим. Бу тадбирлар вилоятлар, туманларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ишлари билан уйгун олиб борилса янада яхши булади.

1996 йилда асосий эътибор юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал қилишга қаратилмоги лозим. Шу орқали Ватанимиз иқтисодини ривожлантириб, халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштиришга эришилади.

С. САЛИМОВ,
профессор.



Ижтимоий муҳофаза

НОГИРОН ҚАЛБИНИ ҚИЛА ОЛСАНГ ШОД...

Президентимиз республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини аниқ ва асосли тамойилларда кўрсатиб берган эди. Ислоҳотларни ижтимоий муҳофаза соҳаси билан биргаликда қўшиб олиб бориш ана шу тамойиллардан биридир. Бинобарин, ногиронлар аҳолининг кўпроқ ҳимояга муҳтож бўлган қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва қайта тиклаш илмий тадқиқот илмгоҳи ўзбекистонлик ногиронларнинг бозор шароитидаги муаммо ва режаларини ўрганувчи марказ ҳамдир. Илмгоҳнинг фаолияти ана шундай савобли вазифаларга йўналтирилган. Бу борада мазкур илмгоҳ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Абдусамад АБДУСАЛОМОВ жамоатчи мухбиримиз Файзулла ИСАЕВга қуйидагиларни гапириб берди.

Халқимизда: «Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод, минг карра Маккага боргандан зиёд», деган нақл бор. Бу сатрлар ўз навбатида илмгоҳимиз шаънига айтилгандай туюлади. Чунки бу ерда асосан Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги билан ҳамкорликда самарали изланишлар олиб борилади. Тиббиёт фанлари номзоди Жамолиддин Нажмиддинов раҳбарлик қилаётган ходимлар бир қатор ривожланган давлатларда илмий сафарда бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жабҳасини чуқур ўрганиб келишди. Ҳозирда улар томонидан тиббий меҳнат қобилиятини аниқлаш мажмуи ишлаб чиқилмоқда. Ушбу мажмуа асосида иш юритиш услубимизни тубдан ислоҳ қилишга киришганмиз.

Жамоамиз ногиронлик билан боғлиқ муаммоларни ўрганибгина қолмай, балки уларга тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Ички касалликлар ва жарроҳлик бўйича фаолият кўрсатаётган марказларда йилига 2 мингга яқин ногирон ўз соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз мустақил бўлгандан кейин, дастлабки эътиборни аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига қаратди. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» ҳақидаги қонун бунинг яққол далилидир. Мазкур қонунга биноан ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва жамоа хўжалиги иш жойининг уч фоизини ногиронларга ажратиши лозимлиги кўрсатилган. Афсуски, жойларда қонуннинг тўлиқ куч билан ишламаслиги ногиронлар муаммосига янада кучли таъсир кўрсатаётир.

Ногиронликни аниқлаш, уларнинг меҳнатга қобилиятини белгилашнинг ўзига хос босқичлари бор.

Айниқса, болаликдан хаста бўлиб қолганларга ғамхўрлик қилиш катта масъулият талаб қилади. Қолаверса, ногиронларни мустақил яшашга кўниктириш, маълум касбни эгаллашга кўмаклашиш асосий муаммолардан саналади. Шу мақсадда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилиниб, унга мувофиқ ногиронларга тенг ҳуқуқли ва эркин ҳаёт тарзи яратилиши кўзда тутилган. Давлат томонидан уларнинг ҳаётда ва жамиятда ўз ўринларини топишлари учун даҳлдор вазирлик ва тармоқларнинг вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Қарорнинг тиббий меҳнат қобилиятини аниқлашдаги аҳамияти шундаки, у 1956 йилдан бери қўлланиб келинаётган қоидаларни бекор қилиб, мустақил юртимиздаги шароитларни инобатга олган ҳолда, янгича қоидалар таркиб топтирилмоқда. Ногиронлик уч гуруҳда белгиланиб, беморнинг ҳаётдаги ижтимоий кўникмалари, саломатлик даражасига мос келадиган иш танлаши, ташқи муҳит шароитига ўрганиб кетиши ва ижтимоий-маиший томонларига алоҳида эътибор берилган.

Бир сўз билан айтганда, ногиронлар кўнглийни кўтариш, уларнинг лаёқатига мос иш ўринларини танлашда корхона, фирма ва барча бошқа жамоа хўжаликларида махсус жойлар, шарт-шароит яратиш лозимдир. Зеро, ҳожатмандлар ҳожатини чиқариш дунёдаги энг савобли ишлардан ҳисобланади.

Ҳунарлининг қўли гул

ЗАРДЎЗЛАР ОИЛАСИ

Қадим ҳунармандлар юрти Бухоро зардўзлари азалдан бу юрт шуҳратига шуҳрат қўшишган. Зардўзлар меҳнати, уларнинг гўзалликка йўғрилган маҳоратлари қўшиқларда куйланганлиги бежиз эмас.

Бухорода Муқаддасхон ва Бахшулло Жумаевлар каби ҳунармандчиликни, зардўзликни оила касби сифатида ардоқлаб келаётганлар кўп. Бахшуллонинг бобоси Ражаб оқсоқол ҳам ўз даврининг машҳур зардўзи сифатида донг таратган.

Илгари Бахшулло Бахоро зардўзлик фабрикасида бош рассом бўлиб ишларди. Турмуш ўртоғи Муқаддасхон ҳам ўз касбини эгаллаган уста зардўзлардан саналади. Улар яқинда Покистонда бўлиб ўтган «Ҳунармандлар - иш устида» биринчи жаҳон фестивалида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Жаҳоннинг 46 мамлакатидан 5 мингта яқин халқ ҳунармандчилиги вакиллари иштирок этган бу фестивалда ҳар бир қатнашчи ўз ҳунарини бевосита иш жараёнида бажариб кўрсатишди. Фестивал қатнашчилари Муқаддасхон ва Бахшулло тимсолида мустақил Ўзбекистонимиз халқ ҳунармандчилиги ривожини, юртимиз зардўзлари маҳоратини кўрдилар. Фестивалда Бахшулло ва Муқаддасхонлар миллий каштачилик бўйича биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Эр-хотин зардўзлар ўз моҳирликлари туфайли Женевада ўтказиладиган Ўзбекистон кунларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уларнинг фарзандлари - қизи Дилноза ва ўғли Бобурлар ҳам зардўзлик ҳунарига меҳр қўйишган. Улар бу ҳунар сир-асрорларини бирмунча эгаллаб, ота-оналарига кўмакдош бўлишмоқда.

Бухоро вилоят ва шаҳар ҳокимликлари халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта аҳамият бериб келаётир. Жумладан, Бухоро зардўзлик маркази ташкил этилмоқда. Бу ҳам албатта Бухоро ҳунармандлар уюшмаси зардўзлари - Муқаддасхон ва Бахшулло Жумаевлар каби зардўзлар ишига янада ривож бериши шубҳасиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ.



Суратда: Бухоро ҳунармандлар уюшмаси зардўзлари Муқаддасхон ва Бахшулло Жумаевлар. Муаллиф олган сурат.

САОДАТЛИ КУН

ҲИКОЯ

Тоҳир ҳожи ҳожатманд бўлиб, ишчи ёллади. Ҳожатбарорларнинг кўплари унга пешвоз бордилар. Бироқ ҳожи ҳа деганда бир қарорга келолмас эди. У арзон гаровроғини қидирмаётган эди. Асло, бирон мўмин-мусулмонини, ранги рўйи тозасини топармикинман, деган умидда эди. Мақолки, ранг кўр хол сўр... Май ичмайдиган одамнинг юзида кўланкаси бўлмайди. Эски тоғорага ўхшаб, занги сиртига уриб турмайди. Юзида нур бўлади. Бундайлар Аллоҳнинг исмисиз бир иш қилмайдилар. Бебисмилло бошланган ишнинг эса охири кесик. Ё иш сабл қолади, ё бир ишкал чиқади, ёки аччиқ ичакдек чўзилгандан чўзилаверади.

Охири у ора-чора гаплашиб, турган уч кишига оғиз солмоқчи бўлди. Лекин «Яна ким билади?» деган мулоҳазада кўз қирини ташлаб, у ёқ, бу ёқларидан ўтди. «Май ҳиди анқимаяптимикан? деб димоғигаям зўр берди. Аксинча, учовиям худди наҳорги ошга бораётгандек соқолларини қириб, башанг кийиниб, ўткир бўйли одеколон сепиб олишибди. Қўлларида қора дипломат. Жомакорлари ҳойнаҳой ўшанинг ичида бўлса керак. Бошқалар харидор келмаётганидан бетоқат, ёки шунчаки эрмакка чекишаётган бўлса, булар чекишмасди ҳам. Бири ўттиз ёшлар атрофида, иккинчиси йигирма беш, учинчиси эса чеккасига эндигина устара теккан йигитча эди. Ёши каттаси ишбошиси бўлса керак, ўйлади Тоҳир ҳожи. Охири уларга яқинлашиб борди. Йигитлар Тоҳир хожининг мошгуруч узун соқоли-ю, синчков кўзларига қараб, тараддудланишди.

— Ассалому алайкум отахон, — ишбошиси биринчи бўлиб салом берди. Тоҳир ҳожи аликни мукаммал адо этди.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Шу десанглар... озроқ хизматимиз бор эди-да, тақсирлар...

— Бажонидил, отахон бажонидил, буюрсинлар, — деди, иш боши қўлини кўксига қўйиб.

— Шу кичкина бостирма дегандек... Ҳа! қурилиш қилмоқчийдик, ўшанинг ғиштини кўтариш керак, жа унчалик оҳанжамаси йўқ, ўқдек тўғри девор.

— Хўп бўлади, отахон бир оғиз сўзингиз, — дея ишбошиси шерикларига қаради. Улар маъқул дегандек қараб туришарди.

— Бўлмаса, — деди Тоҳир ҳожи келишувни қўлга олиб, — икки нарсани бақамти қилиб олсақ. Шу... қатнаб ишлайман десаларинг, бунинг иложи йўқроқ, шаҳар ташқарисида тураман, тунаб ишлашийларга тўғри келади.

— Маъқул-а, йигитлар, сизлар нима дейсизлар? Ана, булар ҳам рози, отахон, фақат еб-ичиш масаласи, — дея чайналди ишбоши.

— Хотиржам бўлинглар, бўталарим, — деди кулиб Тоҳир ҳожи, — дастурхонимиз Аллоҳ йўлига ҳамиша очиқ. Битта қора қозон бўлса қайнаб туради. Ху-ўш, бунисини бақамти қилдик. Энди кейингисиниям келишиб олсак. Сизлар кунбай ишлайсизларми ёки ишбай?

— Ишбай маъкул отахон, ётиб қолганимиздан кейин.

— Менгаям маъкул, — қувониб кетди Тоҳир ҳожи, — иншооллоҳ, фикримиз бир жойдан чиқди. Энди хизмат ҳақиниям келишиб олсак. Уч ярим минг ғиштга уч ярим минг бераман. Айтиб қўяй, қуми, цементи бадастир, элаб ҳам қўйилган.

Нарх масаласида йигитлар бирбировларига қараб олишди. Юзларида: «хўп дея берайлик, шундоғам еб, ичиш, ётиш-туришимиз чолни бўйнига тушиб турибди» деган ифода сезилиб турарди.

— Маъқул, қўлни ташланг отахон, келишдик, — деди ишбоши.

— Мени Ҳожи бува деб чақиришади, — деди Тоҳир ҳожи ишбошининг кафтини қисар экан.

— Жуда яхши, Ҳожи бува бошланг бўлмаса.

Тоҳир ҳожи маъқул усталарга йўлиқиб қолганидан қувониб, Аллоҳга ҳамдлар айтди. Ҳожатбарорларини машинасига ўтқазиб, йўлга тушди. Тоҳир ҳожи индамай кетишдан ноқулайлик сездими, тўсатдан сўраб қолди:

— Номоз ўқийсизларми, йигитлар?

Олдинги ўриндиқда ўтирган ишбоши орқага юзланди. Шерикларидан садо чиқмагач, ҳаммалари учун жавоб берди.

— Шунисига йўқроқмиз, Ҳожи ота, локин ичмаймиз, чекмаймиз-а, йигитлар.

— Э, нонга пул йўғу, ичишга, чекишга қайда, — деди энг ёши сўзамоллик қилиб.

— Бундан чиқди, пул топилса чекасизам, ичасизам, шундайми болам? — истеҳзоли кулди, ҳожи.

— Йўғе, умуман бунақа нарсалар мени мижозимга тўғри келмайди. Ичсам тошма тошади, чексам бошим гир айланиб, кўнглим айнийди. Йигитча худди ҳожи бува ҳозир тушириб юборадигандай шошиб, шошиб гапирди.

Тоҳир ҳожининг дуч келган одамга ичма, чекма, беш вақт номозингни ўқи, деб тиргалаверадиган одати йўқ эди. Шундай деса худди: «Мен шунақаман, сен нега шунақамассан, дегандек миннат бўлиб қолишидан қўрқарди. Одамнинг дин йўлидаги энг маъқул даъвати унинг исломий одобида, тақвосида деб биларди. Шунинг учун бу йигитларга ҳам ортиқча гап қилмади, қайтага уларга янаям меҳри товланди. Ичишмаса, чекишмаса, ибодатга бир қадам қолибди-да. Худо хайрларини берсин. Ҳозир бу ёшдагиларнинг орасида бунақалари кам. Хўп йўлиқиб қолишдида, Худо деган одамман-да!

Тоҳир ҳожи уйига боргач, уларга ёлланган ишчи деб эмас, меҳмон деб қаради. Ишни кўрсатиб, ёнларига ўғлини қўшди. Боқиб қўйган қўйини шартта ағдариб сўйди. Шундан кейин йигитларнинг ишига барака тилаб, ўзи тижорат ишлари билан кетди.

— Қани йигитлар, ишга киришдикми, бўлмаса, — деди ишбоши янги жойга ўрганолмай тўрт тарафга алангалаётган шерикларига.

— Киришдик, қоришма биздан, — деди йигитча цемент қорадиган темир тоғорани гумбирлатиб уриб қўяр экан.

— Оғир бўлсаям ташишни биз қойиллатамиз, — деди иккинчиси.

Ишбоши ўйланиб қолди. Тавба, ғиштни ким теради, менми, ҳазиллашяптими бу боласи тушмагурлар...

Ишбоши ёш олимлардан бўлиб, рўзғор деган ташвиш уни биринчи бор кўчага олиб чиққан эди. Мана бу яхши йигитчалар билан энди танишиб турувди, Ҳожи ота келиб қолди. У аслида шу йигитларга ишонганди. «Энди тўғрисини айтиш керак», деган қарорга келди чоғи уларга юзланди.

— Йигитлар, дейман, бу — ғиштни ким теради? Мен филолог, адабиётчиман ахир.

— Олинг-а, — деди кичкина тиржайиб, — мен анави чамбарак гулчин қилиб ғишт терадиган галстукли инженерларданми деб ўйлабман сизни, бекатлардаги дўконларни қуришяпти-ку... Қолаверса бу ишнинг нима қийинчилик жойи бор. Бурчак-сурчаги бўлмаса туппа-тўғри девор — ип тортсангиз бўлди.

— Вой барака топкурей, — жон кирди ишбошига, — биларкансан-ку, боядан бери шуни айтмайсанми? Қон буб кетдим-ку ўйлайвериб, ке ўша ишингни мен қилай. Бир челак цементга икки челак қум қўшарди шекилли.

— Ака, — деди йигитча худди ўргатгандек қилиб, — бу иш ғишт теришдан қийин, билсангиз. Тобидан ошиб кетса, қоришма без бўлиб тураверади, ғиштни тишламайди. Тобидан кам бўлиб қолса лойдан фарқи қолмайди. Ҳожи бува ҳассалари билан бир туртсалар урган деворингиз ағанаб тушади. Ипни тортингга, ишни бошлайверинг. Менам у ёқ, бу ёғига ўтиб, қараб тураман.

Хуллас, иш бошланди. Битта ғишт қўйиб, икки қараб кунни кеч қилишди. Тоҳир ҳожи уйга кеч қайтди. Овқатланиб бўлиб, ётишга чоғланаётган йигитлар билан хорма, бор бўл қилди. Йигитчаси тушмагур яна жим турмади:

— Ҳожи ота, ғазабга олмайсизда, бугун ишимиз унчалик юришмади. Худо хоҳласа бугунгисини эртага етказиб оламиз.

— Баҳай, — деди Тоҳир ҳожи, — ўша уч ярим минг ғишт сизларники нима қилсаларинг ўзларинг биласизлар.

Аксига олиб, иккинчи куни ҳам иш юришмади. Девор кўтарилгани сайин бир томонга оғиб кетаётганга ўхшайверарди. Бунинг устига ғиштларнинг чеки устма-уст тушиб, қўчириб, қайта қўйишар, хуллас, учовлон кечгача терлаб пишишди. Иш унмагач, кечки таом қанчалар лаззатли бўлмасин, барибир томоқларидан ўтмади. Ишбоши шерикларига ёрилди:

— Укахонлар бир-биримизга ишониб, бир мўмин-мусулмоннинг ишини расво қилдик. Мен бошқа чидолмайман, ўлай агар ишимиз еган овқатимизга арзимайди. Эртага мен ҳожи бувадан жавоб сўрайман, сизларга гап йўқ, ҳамма айб менда. Йигитга етмиш ҳунар оз деб лоф урар эканман-у, ўзим амал қилмас эканман. Мана, бошим деворга тегиб турибди.

Аксига олиб, шу куни Тоҳир ҳожи келмади. Тижорат билан узоқроққа кетиб қолган шекилли. Учинчи кун ҳам қолишга тўғри келди. Уч кун деганда бор-йўғи етти қатор ғишт теришди. Кечки овқатдан кейин Тоҳир ҳожи келиб қолди. Ҳамманинг ичида чироқ ёнди.

— Хорманглар, хорманглар-ов, усталар, қалай, чарчамалийлами?

— Биз иш қилибмас, ҳожи бува, овқат еб чарчаяпмиз, — дея кичкина кулди.

— Еган бўлсангиз, ош бўлсин, одатда ейилган таомни гапирмайдилар. Гапирилса савоби кетиб қолади, энди сизлар ҳайр-маъзургача менинг меҳмонимсизлар.

— Агарда бугунам келмаганингизда ҳайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростламоқчийдик.

— Э, ҳа, — деди қувониб Тоҳир ҳожи, — деворни уриб бўлдиларингми? Бу дейман, йўғимда кечасиям ишлабсизларда, ё пирай!

— Қанийди шундоқ бўлганда, — дея ишбоши уҳ тортди. Тоҳир ҳожи сергакланиб унга қаради.

— Гапнинг очиғи, айб менда, — деди ишбоши ёш боладек ерга қараб. — Бир-биримизга ишониб келаверибмиз. Бу иккаловларига гап йўқ, азамат йигитлар. Хўп десангиз, эрта саҳар ўзим уста топиб келсам.

Ҳожи йигитнинг бош эгиб турганидан хижолат чекди:

— Сираям ҳижолат бўлманг, — деди, — одам ҳеч қачон онасининг қорнидан ўрганиб тушмаган. Мана шунақа қилиб аста-секин ўрганади-да. Майли, беш кунда битмаса, ўн кунда битар. Оллоҳ шуни хоҳлаб тургандан кейин...

— Ҳожи бува, — деди ишбоши тоқати тоқ бўлиб, — сиз жудаям олижаноб одам экансиз, мен деворни бундан юқори кўтара олмайман, ишонинг...

Тоҳир ҳожи барини тушуниб етди. Жа борса ўзи уч кунлик иш эди. На илож буларга қолса ер чизиб ўтириш зарилми?

— Унда гап бундоқ, — деди ҳожи, — жавоб берсам учовларинга баравар жавоб бераман. Нимага деганда аҳдлашув учовларинг билан бўлганда. Аттанг, иш охирига етмай мубҳам бўлиб қолди. Эртага илмлироқ бир холис одамнинг олдига борамизда, орани очиқ қиламиз. Бировнинг ҳақи ёмон-да, биродарлар.

— Бизга бир сўмингиз ҳам керакмас. Берган тузингизга рози бўлсангиз бас.

— Йўқ, биродарлар, бадгумон нарсани бадгумонлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Тонг отсин, Аллоҳ бир йўл кўрсатар.

Эртасига Тоҳир Ҳожи йигитларни машинасига ўтқазиб, шаҳардаги бир нечта масжидга кириб чиқди. Аммо аниқроқ жавоб ололмади. Бунақа масала билан ҳали ҳеч ким мурожаат қилмаган экан-да. Аммо бир киши фиқҳ илмини яхши биладиган олим одамнинг номини айтиб берди. Тоҳир ҳожининг кўнгли ёришиб, йигитларни ўша тарафга бошлади. Йигитлар Ҳожи отанинг бунчалик куйиб пишишидан анча-мунча нарсани бўйнимизга илиб қўйса керак деган ўйга ҳам бориб қолишди. Уларни ҳашамдор бир масжидда юзидан нур ёғилиб турган киши кутиб олди. У ҳожининг гапларини эшитар экан, бир Тоҳир ҳожига, бир йигитларга қараб, мамнун жилмайиб қўйди. Ва сўради:

— Айтингчи ҳожи ота, бу йигитларни неча кун боқдингиз?

— Буни ишга дахли йўқ, тақсирим, — деди ҳожи хотиржам. Дустархон Аллоҳ йўлида ёзилган.

— Унда неъматларингиз ажрини Аллоҳ беради.

— Иншооллоҳ.

— Хўш, энди иккинчи масалага ўтсак. Гап бундоқ, аввал байлашиб кейингина аросатда қолган ишга байнинг ўндан бири тўланса мувофиқдир. Кам тўланса гуноҳи азимдир. Ортиқ тўланса савобдир...

— Қуллуқ тақсир, дилимни равшан қилдингиз, — дея ўрнидан турди Тоҳир ҳожи.

Тоҳир ҳожи йигитларни бошлаб ҳовлига чиққанда пешин бўлиб қолган, муаззин азон чақирарди. Ҳожи шошиб қўйнидан пул чиқардида уч юзу эллик сўмни санаб, иш бошига тутқазди:

— Мана йигитлар, байлашган пулимизнинг ўндан бири. Энди бўйнимда яна битта қарз қолди. Сизларни қаердан олган бўлсам, ўша ерга обориб қўйишим керак. Машинага чиқиб ўтиратуринглар, мана калит, пешинни ўқиб олай.

Ишбоши бир қўлида пул, бир қўлида калит-ҳайрону-лол бўлиб шерикларига қаради. Улар ҳам нима бўлаётганини англаб етмай қотиб туришарди.

Тоҳир ҳожи ибодатдан сўнг шошиб кўчага чиқди. Аммо йигитлар на машинанинг ичида, на ён верида кўринмас эди. Улар масжид ичкарисидан чиқиб келишарди.

Масжидни томоша қилишган бўлса керакда.

Йўлда кетиб боришар экан, Тоҳир ҳожи сўради:

— Қалай масжид чиройли эканми, зўра! Уни бир вақтлар тошкентлик машҳур бой — Тўхтабойвачча қурдирган. Номиям Тўхтабойвачча масжиди.

— Биз масжидни томоша қилмадик, ҳожи бува.

— А?

— Аллоҳга ибодат қилдик. Билмаган эканмиз, исломнинг бунчалар буюклигини, худо хоҳласа номозни канда қилмаймиз энди.

Тоҳир ҳожи нимагадир, машинани четга олиб тўхтатди. Анча фурсат руль чамбарагидан бошини кўтармади. Кейин йигитларга қараб жилмайди-да:

— Муборак бўлсин, — деди.

— Ўзингизга муборак бўлсин, ҳожи бува.

Тоҳир ҳожи ниҳоятда ҳаяжонланган, кўзлари нам эди...

Эркин МАЛИКОВ.

Спорт

БИР ОИЛАНИНГ МАШҲУР БОЛАЛАРИ

Самарқанд шаҳрида яшовчи Ҳамроқуловлар оиласи Тошкентда биринчи лигадаги эркак ва хотин-қиз шахматчилар ўртасида ўтказилган Республика чемпионатини ҳис-ҳаяжон билан кузатиб борди. Эркаклар чемпионатида 56 шахматчи қатнашди. Улар орасида халқаро тоифадаги 2 спортчи, шунингдек 3 спорт устаси ва спорт усталигига 30 номзод бор эди.

Шундай тажрибали спортчилар орасида Самарқанд шаҳридаги 8-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси 13 ёшли Иброҳим Ҳамроқулов ғалабага эришди.

Ушбу иқтидорли ўсмир шахматчи илгари тўрт марта ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам ўз тенгқурлари орасида биринчиликни эгаллаган, ўсмирларнинг Братислава ва Венгриядаги Халқаро мусобақаларида биринчилик учун курашган. Ўтган йили ноябрь ойида Бразилияда 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатига ҳам қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шундай ҳуқуққа унинг 14 ёшли опаси Ирода (қизлар ўртасида Республика чемпиони) ва 10 ёшли синглиси Шаҳноза (қизлар ўртасида Республика биринчилиги чемпионатининг бронза медали совриндори) ҳам эришдилар. Бироқ моддий имконият бўлмаганлиги туфайли уччаласи ҳам Бразилияга боришолмади.

Иброҳим швейцарча тизимда ўтказилган турнирнинг 11 та учрашувида қатнашди. Шунинг тўққизтасида ғалаба қозонди, биттасини дуранг билан якунлади. Атиги биттасидагина халқаро тоифадаги спорт устасига ютқазди, холос. 11 имкониятдан 9,5 очко тўплаб, эркаклар ўртасида Республика олий лигаси чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

1994 йилда Москвада шахмат бўйича халқаро турнир ўтказилганди. Унда ҳали 11 ёшда бўлган Иброҳим ҳам қатнашиб, спорт устаси шартларини бажарганди. Унинг шахмат рейтинги 2345 га тенг. ФИДЕ (Халқаро шахмат федерацияси) талабига кўра 2300 рейтингга эга бўлган спортчиларга ФИДЕ спорт устаси унвони берилади. Буни расмийлаштириш учун 100 долларга яқин маблағ зарур. Иброҳимнинг оиласи яна бир моддий қийинчиликка дуч келди.

Биринчи лигага чиққан спортчи Ирода Ҳамроқулова эса Тошкентда Республика шахмат-шашка клубида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган чемпионатда қатнашиб, ўз иқтидорини намоён этди. У 9 учрашувда 6,5 очко тўплади ва иккинчи ўринни эгаллади. Республика чемпионатининг олий лигасида қатнашиш ҳуқуқига мушарраф бўлди.

Битта оиладан чиққан бу машҳур спортчи болаларнинг иқтидорини ким оширмоқда, деб сўрарсиз? Бу ажойиб инсон — уларнинг меҳрибон отаси Шаҳоб Ҳамроқулов эканлигини айтиш қандай мароқли! У вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Шахмат мактабининг катта тренери, вилоят ўсмирлари терма командасининг катта мураббийси.

Ҳали жуда ёш бўлса-да, спортда довруғ таратган болаларга, уларнинг комил инсон бўлиб шаклланишларида жиддий иш тутаётган ота-оналарига ҳамшаҳарлари ҳавас билан қараяптилар.

А. МУРТАЗОЕВ.

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОКДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган дастлабки саралаш мусобақалари қарийб 10 кун давом этди.

Турли табақаларга мансуб бўлган 42 жамоа 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Маълумки, Низомга мувофиқ ўз гуруҳларида 1-2-ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма олиб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўладилар. Ҳозирча «Нефтчи», «Тўқимачи», «Навбаҳор», «Атласчи», «Трактор», «Пахтакор», «Дўстлик», «Чилонзор», «Машъал», «Суғдиёна», «Наврўз», МҲСК ва «Навбаҳор-2» жамоалари курашни давом эттиришга талабгор бўлиб туришибди.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИ КЎЗЛАГАНЛАР

Республика шахмат клубида турли ёшдаги болалар ўртасида қизғин баҳслар бўлиб ўтди. 50 нафар ўсмир ва қиз шахматчи 5 гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун дона сурди. 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида 9,5 очко жамғарган наманганлик Баҳодир Холмирзаев зафар қучди. У энди жаҳон ҳамда Осиё биринчиликларида қатнашади. 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида эса тошкентлик Антон Филлипов ана шундай имкониятга эга бўлди. 13-16 ёшли ўсмирлар гуруҳида самарқандлик Иброҳим Ҳамроқулов 10 очко тўплаб Осиё ва жаҳон биринчилигига йўлланма олди. Ундан 1,5 очко ортда қолган тошкентлик Олим Тошев ҳам халқаро мусобақага борадиган бўлди. 18 ёшгача бўлган шахматчилар орасида иқтидорли спортчи Рустам Қосимжоновга ҳеч ким бас кела олмади. Қизлардан Катя Ким халқаро мусобақага боради.

Мирзо АНВАР.

Ўзингизни билинг!

ХУДБИН ЭМАСМИСИЗ?

1. Дунёда ҳамма нарса ўз қимматига эга деб ҳисоблайсизми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 3 очко.
2. Сиз алоҳида яхши кўрадиган ранг борми?
Ҳа - 2 очко, йўқ - 1 очко.
3. Сизни «улфатижон» деб ҳисоблашадими?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 4 очко.
4. Ўзингизнинг устингиздан кула оласизми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 2 очко.
5. Мунозараларда ён беришингиз мумкинми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 2 очко.
6. Кўп гапиришними ёки гаплашишни ёқтирасизми?
Ҳа - 2 очко, йўқ - 1 очко.
7. Атрофингиздагилардан ўз ташвишингизни яшира оласизми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 3 очко.
8. Қарзга берган пулингизни ёзиб берасизми?
Ҳа - 2 очко, йўқ - 3 очко.
9. Омонат дафтарчаси керак деб ўйлайсизми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 3 очко.
10. Одамларни яхши биламан, деб ҳисоблайсизми?
Ҳа - 1 очко, йўқ - 3 очко?

Ушбу синов-сўровлар бўйича тўплаган очколарингиз бўйича хулосаларни газетамизнинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

***

Қуйида «Бошлиғингиздан розимисиз?» синов-сўровлари натижалари бўйича хулосаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

45-52 очко. Бошлиғингиз яхши одам. Сизга ҳавас қилса арзийди. Агар имкони бўлса у раҳбар бўлиб турган вақт мобайнида иш жойингизни ўзгартирмаганингиз маъқул.

37-44 очко. Ниҳоят омадингиз бор экан. Иш жойингизни ўзгартирманг.

29-36 очко. Ҳар қалай бошлиғингизга чидаса бўлади.

21-28 очко. Тузукроқ бўлса қани эди! Лекин бундан баттар ҳам бўлиши мумкин.

13-20 очко. Тақдир шу бошлиқ билан сизни жазолабди. Бўш иш жойлари ҳақида эълонларни диққат билан кузатиб боринг.

9-12 очко. Бошлиғингиздан бирон яхшилик кутишга арзимайди. Яхшиси, бошқа иш изланг.

8-4 очко. Бошлиғингиз - ёвуз маҳлуқнинг ўзгинаси-ку! Қандай қилиб чидаб юрганингизга ҳайронмиз.

БИЛДИРИШ

«Самарқанд Дарбоза» кичик корхонаси тугатилади. даъволар билдириш чиққан кундан бошлаб, бир ой мобайнида қабул қилинади.

«КАСБ-КОР» ФИРМАСИ ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИР!

«Касб-кор» фирмаси уй бекаларининг мушкулини осон этиш мақсадида буюртма бўйича қуйидаги маиший хизматлардан фойдаланишни таклиф этади:

ички кийим ва чойшабларни ювиш;

устки кийимларни кимёвий усулда тозалаш;

гилам ва юмшоқ мебелларни буюртмачининг уйига бориб тозалаш;

боғча ёшидаги болаларга ва бошланғич синф ўқувчиларига қараб туриш;

озиқ-овқат маҳсулотларини, самолёт ва поезд чипталарини, гулларни уйга элтиб бериш бўйича транспорт хизматини кўрсатиш;

хонадонларни йиғиштириш, супуриб-сидириш;

қарияларга кўмаклашиш: уларни овқатлантириш, ювинтириб кийинтириб қўйиш;

ошхоналарга юмшоқ учбурчак жиҳозлар ўрнатиш;

хизмат нархлари унча қиммат эмас. Сифати ва сақланишлиги кафолатланади. Ускуналар, тозаловчи ва ювувчи воситалар хорижники бўлиб, хизматлар ўта қисқа муддатларда бажарилади.

Бизга ишонсангиз панд емайсиз!

Мурожаат учун телефон: (3712) 56-55-15

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ

(9-16 апрел кунлари учун)

9 апрелда Ой «Ёй» буржидан ўтади. Бу - жигар ва қоннинг заифлигига сабаб бўлади. Шу куни жигар ҳамда ўт пуфагида тиғ теккизиб қилинадиган муолажадан, қон ва унинг таркибий қисмларини қуйиш ва донорлик муолажаларидан тийилиб туришни тавсия этамиз. Ўпка хасталикларини даволаш, нафас олиш машқлари курсини бошлаш мумкин. Шунингдек, бу кун ўпка, ўпка тизими ва оёқ-қўлларда жарроҳлик муолажалари учун қулай ҳисобланади. Руҳий ҳолатимизда умидворлик, одамийлик, эзгуликка ишонч, самимийлик, фалсафа, аҳлоқ-одобга қизиқиш кўпроқ намоён бўлади. Бу кун хайрия ишлари учун ҳам ғоят яхши фурсатдир.

10-11 апрелда Ой «Тоғ эчкиси» буржидан ўтадики, бунда ўт пуфаги, қораталоқ, қон ҳосил қилувчи барча аъзолар заифлашади, суяк тизими ва илик хасталикларга сезгир бўлади. Шунинг учун бу кунларда умуртқа, суякларда жарроҳлик аралашувига йўл қўймаслик, стоматологик муолажаларни ғоят эҳтиёткорлик билан амалга ошириш тавсия этилади. Суякларнинг синиш-чиқиш эҳтимоли кўпаяди, тери касалликлари зўрайиши, моддалар алмашинуви бузилиши мумкин. Айни пайтда шу кунлари ошқозон сезгирлиги паст бўлади ва бу шу аъзода жарроҳлик муолажалари муваффақиятли ўтишига қулайлик туғдиради. Яраларни, ошқозон яллиғланиши хасталикларини оператив даволаш яхши натижа беради. 10 апрелда ошқозон, ўт пуфаги, бошқа жарроҳлик ишларини амалга ошириш тавсия этилмайди. Чунки шу куни улар фаолияти тўсатдан сусайиб қолиши мумкин.

12-13 апрел кунлари Ой «Қовға» буржидан ўтади. Бу асаб тизими, кўз ҳолатини заифлаштиради, болдирларда оғриқ бўлиши мумкин. Шу кунлари бўғимларда, кўзларда жарроҳлик муолажаларини ўтказиш, артритларни даволаш мақбул эмас. Мазкур кунларда асаб хасталикларини даволаш ишларини бир мунча бўшаштирган маъқул. Юрак хасталикларида - бу кунлар жарроҳлик ишлари учун, дори-дармонларни кучайтириб бериш учун қулай фурсат ҳисобланади. Шу кунлари шифокор тавсияси билан сув муолажаларини қабул қилиш самарали таъсир этади. Руҳий ҳолатимизда шу кунлари сезгилар ўзгарувчанлиги, фалсафий фикрлаш, қизиқарли суҳбатларга мойиллик, эркин ҳаракатлар эҳтиёжи кучаяди. Шу кезлари ноёб ғоялар туғилиши, ғайриоддий ишларга интилиш кучайиши намоён бўлмоғи мумкин. Бошқаларга бақириб-чақиришдан, таги зил ҳазиллар қилишдан, кўнгилсиз жанжаллар чиқаришдан тийилиши керак. Агар бошқаларда шундай қусурларни сезсангиз, уларга ўз айбларини кўришда кўмаклашишга ҳаракат қилинг.

14-15 апрел кунлари Ой «Балиқ» буржидан ўтади ва бу аллергик хасталикларга дучор бўлиш, тери сезгирлигининг ошиши, жигар, буйраклар, сезиш аъзолари зўриқиши ҳавфи ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун суюқликни камроқ истеъмол қилиш, айниқса, алкоголдан тийилишни тавсия этамиз, чунки шу кунлари буйраклар заифлашган бўлади. Оёқларда (айниқса, товон, кафтлар нозик бўлади), жигар ва сезиш аъзоларида жарроҳлик муолажалари ман этилади. Шу кунлари камроқ юринг, иложи борича юмшоқ пойабзал кийинг.

Замбуруғли хасталиклар хавфи ҳам ортади. Оёқларни уқалаш, сув муолажалари, таъсири кучли дориларни (зарурий ҳоллар мустасно) ичиш, ичакларни тозалаш тавсия этилмайди. Ички аъзолар заҳарланишига мойиллик ортади. Руҳий ҳолатимизда одамлар ташвишига, жониворларга ҳамдардлик, яхшиликка интилиш, раҳм-шафқат, ғамхўрлик, ҳаёлпарастлик, мусиқийлик кайфиятлари намоён бўлади. Сохта ҳаёллар ёки гиёҳванд моддалар билан ўзини алдашдан тийилиш, алоқаларда бефарқликдан сақланишни тавсия этамиз. Шу кезлар кайфиятингиздаги нохушликлар сабабини аниқлаш учун энг яхши фурсат ҳисобланади. Сизни ўраб турган дунёга дилингизни равшан этадиган ҳолат бахш этишга ҳаракат қилинг.

16 апрелда Ой «Қўй» буржига киради. Бунда бош одамнинг «заиф жойи»га айланади. Бинобарин, шу куни бош ва юзда жарроҳлик муолажалари ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас. Тишингизни олдирманг, кўзларингизни чарчатманг, ақлий толиқишдан тийилинг. Буйраклар ва сийдик йўлларида шу куни қилинган жарроҳлик муолажалари жуда яхши натижа беради.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси жамоаси Марказий Қўмитанинг молия бўлими мудири Клара Содиқовна Муҳамеджоновага оналари

КИЧАЕВА
Вера аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
• Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи — 27.999. Буюртма Г- 0209. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА. 1 2 3 4 5 6